O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 22-fevral, chorshanba ✱ № 8 (760) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: hurriyat@doda.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

«CLEAN SPACE ONE» — КОИНОТ ЧИҚИНДИХЎРИ



Швейцариянинг Лозанна шаҳридаги федерал политехника мактаби олимлари орбитани коинот чиқиндиларидан тозалайдиган «Clean Space One» сунъий йўлдошини яратишга киришган.

Янги ишланма катта ҳажмдаги чиқиндиларни ҳам ўзининг манипуляторлари ёрдамида илиб олишга қодир.

⇨ 5-бет

ИЛМ ТОЛИБЛАРИГА ИМКОНИЯТ

Электрон китобнинг ҳаётимизга кириб келиши табиий равишда қоғозга бўлган талабни сусайтиради. Мутахассисларнинг фикрича, қоғозга эҳтиёжнинг пасайиши ўрмонлар кесилишининг олдини олади. Бу эса ўз навбатида, экологияни яхшилашга хизмат қилади.

⇨ 6-бет

АТТОР АСАРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКЧА ЖАРАНГИ

Буюк шоиру адибларнинг бир оҳанрабоси бўлади. Уларнинг ижод бўстонига бир кирган мухлис ундан чиқолмай, асарлари таржимасига қўл урган мутаржим ундан ажралолмай қолади. Бутун умр бир ижодкор асарларини таржима қилиб ўтган таржимонлар фаолияти бунинг ёрқин намунасидир.

⇨ 8-бет

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ – МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли конференция қатнашчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, муҳтарам конференция иштирокчиларини, биринчи навбатда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки намояндалари бўлган азиз меҳмонларимизни, дунёнинг турли қитъаларидаги 40 дан зиёд мамлакатдан ташриф буюрган вакилларни қутлаш ва барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни ва ушбу анжуманда қатнашаётганингиз учун самимий миннатдорлигимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бизнинг минтақамизда иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлашга улкан ҳисса қўшиб келаётгани учун мазкур конференцияни ўтказиш ташаббускорларидан бири бўлган Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода жанобларига алоҳида ташаккур изҳор этмоқчиман.

Ўйлайманки, конференция иштирокчилари ушбу форумнинг бош мавзуси, яъни таълим тизимини ислоҳ этиш масалалари — замонавий давлатнинг изчил ва барқарор тараққиёти, аввалambор, унинг иқтисодий ривожланиши йўлидаги муаммоларни ечиш билан бевосита боғлиқ ҳолда кўрилаётганига эътибор қаратган бўлсалар керак.

Сир эмаски, бу мавзу биз бошимиздан кечираётган ҳозирги кунларда, дунёдаги деярли мутлақ кўпчилик давлатлар 2008 йилда бошланган, глобал миқёсдаги янги рецессия тўлқинларини келтириб чиқариш хавфини туғдираётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири остида қолиб келаётган бир пайтда алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда, умумий эътирофга кўра, XXI аср глобаллашув ва чегараларнинг барҳам топиш даври, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет асри, жаҳон майдонида ва дунё бозорида тобора кучайиб бораётган рақобат асрига айланиб бораётганини исботлаб беришга ҳожат йўқ, албатта.

Бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Бутун дунёда кўзга кўринган олим ва мутахассислар, жаҳондаги машҳур ўқув юртлари, нуфузли халқаро тузилмаларнинг раҳбарлари ва вакиллари иштирокида Ўзбекистонда шаклланган таълим тизимини ислоҳ этиш модели ва уни амалга ошириш бўйича тўпланган тажрибанинг муҳокама қилиниши биз учун юксак шарафдир.

Аввало шуни таъкидлаш зарурки, бундан 15 йил олдин қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатимизда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг биз танлаган "ўзбек модели" — ўз тараққиёт йўлимизнинг ажралмас таркибий қисмидир.

Ушбу дастур жиддий изланиш ва тадқиқотларнинг, жаҳондаги тараққий топган илғор мамлакатлар тажрибасини умумлаштиришнинг натижаси сифатида ўтмишда мажбуран сингдирилган коммунистик мафкуранинг қолип ва андозаларидан бутунлай воз кечиш, **одамларнинг, биринчи навбатда, униб-ўсиб келаётган авлоднинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, қисқача айтганда, бу дастур ўз фикрига, ўзининг қарашлари ва қатъий гражданлик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйган.**

Давоми 2-бетда.

«ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ – МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИ – РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Тошкент шаҳри, 2012 йил 16-17 февраль

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва глобал рецессиянинг таҳдид солаётган янги тўлқини дунёнинг аксарият давлатларига ҳамон ўз таъсирини кўрсатаётган бугунги кунда жаҳон барқарор иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланишга эҳтиёж сезмоқда.

Бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин.

Давоми 3-бетда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг
"Йилнинг энг фаол журналисти – 2011"
танловига марҳамат!

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўтган йил юртимиз ҳаётида энг улуғ, энг азиз айём — мустақиллигимизнинг муборак 20 йиллиги санаси сифатида ўчмас из қолдирди. Зеро, ўзининг неча минг йиллик кўҳна тарихида не-не воқеаларни бошидан кечирган халқимиз учун Ўзбекистон мустақиллиги — ҳаётимизни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган бу улуғ сана кўп йиллар, замонлар ўтса-да, ўз аҳамияти, қадр-қиммати ва моҳиятини йўқотмайдиган, том маънода оламшумул воқеа бўлиб абадий сақланиб қолади.

"Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" шиори остида ўтган 2011 йилда мамлакатимиз ўзи танлаб олган ва оғишмай илгарилаб бораётган тараққиёт йўлидан яна бир довон ошди. Мустақиллик деб аталган бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг тобора юксалиб бораётган тафаккури, эртанги кунга бўлган ишончи, эзгу орзу-интилишлари маҳсули бўлган ютуқ ва муваффақиятларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан янада кенг эътироф этилди.

20 йиллик манзаралар, тараққиётнинг ўзбекона йўли, тарих ва истиқбол кесишган чорраҳалар, миллий қадриятларимиз ривожи, халқимиз ҳаётидаги янгиланишлар, хусусан, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури доирасида иқтисодиёт ва халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга оширилган ишлар оммавий ахборот воситалари фаолияти ва журналистлар ижодида устувор ўрин тутди.

Азиз ҳамкасблар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти — 2011" танловида қатнашишга таклиф этади. Танловга 2011 йилнинг 1 июнидан 2012 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга таҳририятлар тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

"Йилнинг энг фаол журналисти — 2011" танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар "Йилнинг энг фаол журналисти — 2011" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**100129, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
3-қават, 30, 35, 37-хоналар
Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.
www.Journalist.uz**

✔ Давра суҳбати

ДАВР БИЛАН ҲАМҚАДАМ БЎЛАЙЛИК

Бугун давр шиддатини оммавий ахборот воситаларининг иштирокисиз англаш, тушуниш мушкул. Замон билан ҳамнафас бўлиб фаолият юритиш, айниқса, ахборот технологиялари ривожланган шароитда унинг чегарасиз имкониятлари оммага ўз таъсирини ўтказишга уринаётган ҳозирги пайтда журналистдан воқеликдан илгарироқда бўлишни тақозо этади.

Мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш, фуқароларнинг фаоллигини ошириш, ОАВнинг эркин фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароитлар босқичма-босқич яратилмоқда. ОАВга доир қонун ҳужжатларининг такомиллашиб бораётгани, қатор афзалликларни қамраб олган қарорларнинг қабул қилинаётгани эндиликда соҳа ходимлари олдига ўзўзини ислоҳ қилиш, бозор муносабатлари шароитида рақобатга бардош бериш, зиммадаги масъулиятни тўғри англаган ҳолда матбуотнинг барча имкониятларидан фойдаланиб, унинг оммавийлигини таъминлаш вазифасини қўймоқда. Зеро, бугун ҳарбий полигонлардан кўра, ғоявий полигонларнинг "қўли баланд" келаётган бир пайтда матбуот зиммасидаги бу масъулият янада ортиб бораверади.

Хўш, истиқлол имкониятлари билан зийнатланган миллий матбуотимизнинг куч-қуввати, салоҳияти қай даражада? Газета, журналларнинг оммалашувини, уларда эълон қилинаётган материалларнинг ўқишлилиги ва таъсирчанлигини ошириш учун яна нима қилса мақсадга мувофиқ бўлади? Журналистларнинг маҳоратини ошириш омиллари нималардан иборат?

Мазкур саволларга жавоб топиш мақсадида тажрибали журналистлар ҳамда ёш қаламкашларнинг бир гуруҳини мусоҳабага чорладик.

4 »

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ — МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

(Боши 1-бетда.)

Узоқ йиллар давомида вужудга келган эски таълим тизимини тубдан қайта қурмасдан ва ислоҳ этмасдан туриб бу мақсадга эришиш асло мумкин эмас эди.

Агарки Ўзбекистонда аҳолининг қарийб 35 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар, 60 фоиздан зиёдини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ислоҳотларнинг роли ва аҳамияти ўз-ўзидан тушунарли ва равшан бўлади.

Қабул қилинган дастурга мувофиқ, мамлакатимизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Юртимизда амалга оширилаётган моделнинг принципиал хусусияти аввало шундаки, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни ҳам эгаллайди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда 12 йиллик таълим барча учун мажбурий ва бепул экани қонунларимизда белгилаб қўйилган. Бу ўсиб келаётган янги авлодимиз 12 йиллик мажбурий таълим олиш билан бирга аниқ мутахассислик ва касб-ҳунарга эга бўлишини тақозо этади. Бу, айниқса, қизларимиз учун муҳимдир. Биз бунда ҳар қайси янги ташкил бўлаётган ёш оилада аввало қизларнинг ўзи танлаган муайян мутахассисликка, касб-ҳунарга, ҳаётда ўзининг мустақил фикри ва қатъий позициясига эга бўлиши ғоят муҳим аҳамият касб этишини назарда тутамиз. Шунинг учун ҳам барча зарур фанлар бўйича умумий таълим берадиган мактаблардаги 9 йиллик таҳсилдан кейин ёшларимиз, айниқса қизларимиз мажбурий тарзда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқишни давом эттириши, икки-учта замонавий мутахассислик бўйича касб-ҳунарларга эга бўлиши ўта муҳимдир.

Сизлар кеча ва бугун Тошкентда бўлиб турибсиз, эртага Самарқандга борасиз, кимдир Бухорони, кимдир Хивани — бизнинг ана шу қадимий шаҳарларимизни кўриш истагини билдириши мумкин. Сизлар бу шаҳарлардаги тарихий ва маданий ёдгорликлар билан танишар экансиз, имкон топиб, олис туманларимиздаги коллежлар, лицей ва мактабларни ҳам бориб кўришингизни истардим. Шунда сиз бу таълим масканлари мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳридаги ўқув муассасаларидан асло қолишмаслигига ишонч ҳосил қиласиз, деб ўйлайман.

Ўн икки йиллик мажбурий таълимдан сўнг юртимиздаги ёшларнинг ҳар бири, ўз хоҳишига кўра, бакалавр ва магистр даражасини олиш учун олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириши мумкин.

Ўтган йиллар мобайнида таълим тизимини тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш бўйича миқёси ва кўламига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Қарийб 9,5 минг ёки мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мактабларнинг деярли барчаси янгитдан қурилди, капитал реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланди. Ўқув жараёнини сифат ва методик жиҳатдан бутунлай янгилаш бўйича улкан чоратадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда мактаб таълими 7 та тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда 1500 дан ортиқ янги касб-ҳунар коллежи ва академик лицей барпо этилди. Сиз, конференция қатнашчиларининг кўпчилиги ушбу билим масканлари билан танишар экансиз, улар ўз меъморий қиёфаси ва техник таъминотига кўра энг яхши олий ўқув юртларидан асло қолишмаслигига ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Касб-ҳунар коллежларидаги замонавий ўқув-лаборатория, компьютер ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ўқувчилар учун умумий фанлар бўйича нафақат тўлиқ билимлар ҳажмини эгаллаш, айни вақтда ушбу ўқув юртларидаги замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш имконини ҳам беради.

Сизларнинг эътиборингизни масаланинг ғоят муҳим бир жиҳатига қаратмоқчиман. **Биз таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, айни пайтда чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим шарти ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият бермоқдамиз.**

Таълим жараёнини ислоҳ этиш ва меҳнат бозорида талаб қилинадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртлари муҳим ўрин эгалламоқда. Ўтган давр мобайнида уларнинг сони икки баробар ортди ва бугунги кунда мамлакатимиздаги 59 та университет ва олий ўқув юртида 230 мингдан зиёд талаба таълим олмоқда.

Ўзбекистонда Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети каби юксак халқаро обрў-эътибор ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу олий ўқув юртларида машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бизнес бошқаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи каби меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда ва биз учун ғоят муҳим жиҳати шундаки, уларнинг битирувчилари бутун дунёда тан олинадиган дипломларга эга бўлмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон Миллий университети ва Фанлар академияси томонидан Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юрти — Кембриж университети билан ҳамкорликда Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази ташкил этилмоқда. Марказнинг асосий вазифаси — иқтидорли талабалар, аспирант ва ёш олимларни кимё, физика, биология, биокимё, биофизика, геология ва геодезия соҳаларида амалий инновацион илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда илмий ишланмаларни амалга оширишнинг замонавий методларига ўргатишдан иборат. Марказни энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш кўзда тутилмоқда, у ерда Кембриж университетининг олим ва мутахассислари конкрет йўналишдаги тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида ёш олимларни тайёрлаб боради.

Шуни қайд этиш жоизки, айнан шу йўналиш, яъни қатор академик илмий муассасаларни университетлар ихтиёрига бериш ва ҳамкорликда фойдаланиладиган олий ўқув юртлариаро замонавий илмий лаборатория мажмуаларини тузиш ҳисобидан олий ўқув юртларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятга асосланган ўқув жараёнини интеграциялаштириш ҳозирги босқичда долзарб аҳамият касб этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда ёшларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш муҳим ўрин эгаллайди. Бюджет, хомийлик ва хайрия маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилгани айнан шундан далолат беради. Ўтган давр мобайнида ушбу фонд маблағлари ҳисобидан қарийб 1500 та энг замонавий, барча ёшлар фойдаланиши мумкин бўлган болалар спорти объекти барпо этилди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги деярли ҳар бир мактаб, коллеж ва лицей очиқ спорт майдончалари қаторида замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган ёпиқ спорт заллари ва сузиш ҳавзаларига эгадир.

Юртимизда уч босқичдан иборат, ҳар йили ўтказиладиган, мактаб ўқувчилари учун алоҳида, касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари учун алоҳида беллашувларни, олий ўқув юртлари талабалари учун Универсиадани ўз ичига олган яхлит спорт мусобақалари тизими шаклланган. Бундай тизим юз минглаб фарзандларимизни, йигит ва қизларни оммавий равишда жисмоний соғломлаштириш ва спорт ҳаракатига жалб этиш имкониини бермоқда.

Мутахассисларни тайёрлаш сифати ва уларнинг реал иқтисодиётда талаб этилиши масалалари бизнинг доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Дастур доирасида коллежлар, лицей ва олий ўқув юртлари учун ўқитувчилар ва домлалар таркибини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини қайта ташкил этиш, аввало, ўқув-услубий базани бутунлай қайта кўриб чиқиш ва замонавий талабларга жавоб берадиган янги стандартлар, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмаларни тасдиқлаш бўйича кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Айниқса, **ўқитувчилар фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантириш мезонлари тубдан ўзгартирилганини** алоҳида таъкидламоқчиман.

Шу ўринда қуйидаги мисолларни келтириб ўтмоқчиман. Кейинги ўн йилда касб-ҳунар коллежлари, лицей ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари иш ҳақининг ўсиш суръатлари иқтисодиётнинг реал соҳасидаги иш ҳақи миқдоридан ўртача 1,5 баробар кўп ўсди. Бу рақам яна ва яна бир бор шундан далолат берадики, биз ўқитувчилар меҳнатини муносиб тарзда, айтиш мумкинки, устувор даражада баҳоламасдан ва уларга шу асосда ҳақ тўламасдан туриб, бугунги натижаларга, ўз олдимизга қўйган мақсадларга ҳеч қачон эришолмаган бўлар эдик. Яна бир бор такрорлайман: ўқитувчиларнинг меҳнат ҳақи кейинги ўн йилда бутун иқтисодиётимизнинг бошқа соҳаларидагига қараганда 1,5 баробар кўп ошди.

Умуман, Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ва бу тизимнинг Давлат бюджети харажатларидаги улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этиши ўз-ўзидан мазкур соҳага қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғи ҳисобланади.

Менимча, дунёнинг бошқа давлатларида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача 10-12 фоизини ташкил этадиган бундай кўрсаткични камданкам учратиш мумкин. Бу биз учун таълим жараёнларининг нақадар улкан устувор аҳамиятга эга эканини, мамлакатни ислоҳ қилиш ва Ўзбекистонда замонавий демократик давлат барпо этиш бўйича бошланган ишларнинг давомчиси бўладиган, янги ғояларни дадил илгари сурадиган ёш авлодни тарбиялайдиган ўқитувчилар меҳнатига ҳурмат билан муносабатда бўлаётганимизни яна бир бор тасдиқлайди.

Мамлакатимизда 1996 йилда қабул қилинган қонунга кўра, ҳар йили 1 октябрь санаси **Ўқитувчилар ва мураббийлар куни** — умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келаётгани ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялашда педагоглар меҳнатининг роли ва аҳамияти жамоатчилигимиз томонидан юксак эътироф этилаётганининг ёрқин ифодаси бўлди.

Ишончим комил, Ўзбекистонда дунёдаги энг олижаноб ишга ўзини бағишлаган инсонлар учун қилинаётган барча ишлар ўзини тўла оқламоқда. Агарки биз ҳақиқатан ҳам муносиб авлодни тарбияламоқчи бўлсак, ёшларимизга таълим-тарбия бераётган инсонларга муносиб тарзда муносабатда бўлишимиз лозимлигини ҳаммадан кўра яхшироқ тушунадиган сиз, муҳтарам анжуман иштирокчиларининг ҳузурингизда бу сўзларни айтиш менга айниқса мамнуният бағишлайди.

Шу ўринда таълимни ривожлантиришга йўналтирилган хорижий техник ёрдам ҳажмининг тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўтган даврда бу борадаги ёрдам 500 миллион доллардан ошиб кетди. Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, Осиё тараққиёт банкининг салкам 290 миллион доллар маблағи, Жанубий Корея ҳукуматининг 110 миллиондан ортиқ, Жаҳон банкининг 33 миллион, ОПЕК фонди, Саудия фонди, Ислом тараққиёт банкининг 42 миллион, Германия ҳукуматининг «КфВ» банки орқали йўналтирилган қарийб 20 миллион ва бошқа донорларнинг 100 миллион долларлан ортиқ ёрдамини қайд этиш лозим.

Мана шу юксак минбардан туриб, биз учун ўта муҳим бўлган ушбу вазифани ҳал этишда Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаб, беқиёс ёрдам кўрсатиб келаётганлари учун халқаро молия ташкилотлари ва банкларига, барча чет эллик шерикларимиз, хорижий мамлакатлар ҳукуматларига самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният етказади.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Ўзбекистонда қабул қилинган Таълим соҳасини ислоҳ этиш ва малакали кадрлар тайёрлаш дастурини амалга ошириш бўйича ўтган даврда бажарилган ишларни бугун қандайдир ўлчов ва рақамлар билан баҳолаш жуда қийин, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Шу билан бирга, бу ҳақда сўз юритар эканмиз, яна бир жиҳатни назарда тутишимиз лозим. Яъни, бизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган Дастур — бу бошқа моделларни қандайдир такрорлаш ёки улардан нусха кўчириш эмас, аксинча, биринчи навбатда, ривожланган демократик давлатларда тўпланган тажрибани ўзида мужассам этган ва айни пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган дастурдир.

Бу борада яна шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, **қадимий Ўзбекистон замини кўп асрлар давомида фан ва маърифат ўчоғи, жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлиб келган, илму маърифатга интилиб яшаш эса халқимиз менталитетининг ажралмас қисмига айланиб кетган.** Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Фарбда Авиценна номи билан машҳур бўлган Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз бутун дунёда ўзларининг математика, астрономия, геодезия, минералогия, фармакология ва тиббиёт соҳаларидаги тенгсиз кашфиётлари билан шуҳрат қозонганлар.

Ўйлайманки, илм-фанда «алгоритм», «ўнлик саноқ системаси» ва «ноль» тушунчаларининг кашф этилиши айнан Хоразмийнинг номи билан боғлиқ экани кўпчиликка яхши маълум. Абу Райҳон Беруний эса Америка қитъаси кашф этилишидан 500 йил олдин бу қитъанинг мавжудлиги ҳақида башорат қилган. Яна бир буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино ўша олис XI асрда тиббий жарроҳлик операциясини амалга оширгани билан дунёга машҳур. Энг асосийси — унинг «Тиб қонунлари» асари 500 йил давомида Европанинг нуфузли олий ўқув юртларида барча талабалар учун дарслик сифатида ўрганиб келинган. Буюк астроном Мирзо Улуғбек XV асрдаёқ Самарқандда обсерватория барпо этиб, юлдузлар харитасини тузган. Ўйлайманки, бу улуғ зотларни ҳақли равишда жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган инсонлар сифатида таърифлаш мумкин.

Биз неча асрлар давомида илм-маърифат ёғдусини таратган буюк аждодларимиз ҳақида гапирар эканмиз, ёш авлодимизга, менинг фарзандларимга қарата такрор ва такрор айтаман: албатта, биз улуғ алломаларимиз даҳоси билан фахрланишимиз керак. Шу билан бирга, ўзимизга савол беришимиз лозим: уларнинг муносиб давомчилари бўлиш учун бугун биз нима қилмоқдамиз?

Биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлига қадам қўйиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, **фақат миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиши мумкин** эканини ҳамиша ўзимизга яхши тасаввур этиб келмоқдамиз.

Таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш одамларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг сиёсий ва гражданлик фаоллигини, ўз келажагига бўлган ишончини оширишнинг энг муҳим омили ва мустаҳкам асосига айланди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Энг муҳими шундаки, бизнинг янги авлодимиз, билимли, ўтмишнинг ҳар қандай иллатларидан озод бўлган ёшларимиз бугунги кунда мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, уни янгилаш ва ишончли тарзда равнақ топтиришнинг ҳал қилувчи ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда.

Шу борада ўтган давр мобайнида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни — шу рақамга эътибор беришингизни сўрайман — 2 миллион 300 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз битириб чиққани, жорий йилда эса 500 мингдан ортиқ ўқувчи ўрта тоифадаги мутахассис дипломини олиб, ўқишни тамомлашини айтиб ўтиш кифоя, деб ўйлайман. Бу ёшлар нафақат иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишнинг, айни вақтда мамлакатимиз кадрлар таркибини сифат жиҳатидан янгилашнинг қудратли омили ҳисобланади.

Нуфузли халқаро молиявий ташкилотларнинг баҳоларига кўра, Ўзбекистон ҳали-бери давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан, ўтган беш йил давомида 8,5 фоиздан кам бўлмаган барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолмоқда. 2000 йил билан солиштирганда, ялпи ички маҳсулотнинг кўпайиши 2,1 баробарни ташкил этди. Жорий ҳисоб-китобларнинг профицити, ташқи қарзнинг пастлиги ва валюта захираларининг етарли даражада бўлиши таъминланмоқда, ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсиши башорат қилинмоқда.

Шуни қайд этиш муҳимки, бундай суръатлар, биринчи навбатда, таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юксак технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожлантириш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳисобидан таъминланмоқда.

Агар ўтган ўн йил давомида Ўзбекистон иқтисодиётига 80 миллиард доллар ҳажмидаги капитал қўйилмалар йўналтирилган бўлса, уларнинг 23 миллиард доллардан зиёди ёки қарийб 30 фоизини хорижий инвестициялар ташкил этди. Чет эл инвестицияларининг 2012 йилдаги ўсиши 16 фоизни ташкил этиши, уларнинг 70 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан иборат бўлиши кутилмоқда. Бу эса, ўз-ўзидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга хорижий капиталнинг қизиқиши ва энг муҳими, Ўзбекистоннинг тараққиёт истиқболларига бўлган ишончнинг тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Юқорида баён қилинган фикрларни якунлаган ҳолда, Ўзбекистон тарихий мезонларга кўра қисқа муддат бўлган 15-20 йил давомида бизнинг бош мақсадимиз — **дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш ва мамлакатимиз аҳолиси учун муносиб ҳаёт шароити ва сифатини яратиш** йўлида ғоят улкан қадам қўйди, деб айтишга барча асосларимиз бор. **Ва бу билан биз ҳақли равишда фахрланамиз.**

Қадрли дўстлар!

Мазкур анжуманда муҳокама қилиш учун таклиф этилган, иқтисодиётни изчил ва барқарор тараққий эттиришнинг энг муҳим шарти бўлган таълим тизимини ислоҳ этиш масалалари инсониятнинг буюк мутафаккирларини доимо ўйлантириб келган вазифа — ҳар томонлама уйғун ривожланган баркамол шахсни шакллантиришнинг кўп қиррали ва кенг қамровли муаммоларининг барча жиҳатларини ҳеч бир даражада тўлиқ қамраб олиши мумкин эмаслигини биз албатта яхши тушунамиз.

Иккинчидан, муайян бир мамлакат доирасидаги таълим жараёнини ислоҳ этишнинг ҳар қайси модели универсал даражага кўтарилишга даъво қилиши мумкин эмас. Мамлакатимизда Таълим тизимини ислоҳ қилиш дастурини жорий этиш бўйича амалга оширилган ва амалга оширилаётган барча ишлар биринчи навбатда Ўзбекистоннинг узоқ муддатли манфаатларига, унинг ҳозирги анча мураккаб ривожланиш босқичининг мавжуд ҳолати ва хусусиятларига жавоб беради.

Ўйлайманки, барчамиз вақт ҳам, таълим тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари ҳам бир жойда тўхтаб турмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз. Бу борада мазкур соҳада меҳнат қилаётган барча инсонларнинг, нафақат бўлажак кадрларни тайёрлаётган, айни пайтда ана шу кадрлар талаб қилинадиган соҳалар вакилларининг халқаро ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам конференция қатнашчилари томонидан ялпи йиғилиш ва секция мажлисларида, бошқа мамлакатларда тўпланган қимматли тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, билдириладиган фикр-мулоҳаза ва таклифлар биз учун ғоят муҳимдир.

Ўзбекистон мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг тегишли олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини алоҳида қайд этмоқчиман. Биз мазкур форумнинг асосий маъно-мазмунини ҳам айнан шунда кўрамиз.

Шу ўринда бир таклифни алоҳида таъкидламоқчиман. **Қани энди, бундай учрашув ва анжуманлар тез-тез ўтказиб турилса.**

Сизлар бу таклифга нима дейсиз? Албатта, Ўзбекистон халқининг меҳмондўстлиги ҳақида кўп гапирилади, лекин биз сизларнинг мамлактимизга тез-тез келиб, эл-юртимизга хос ана шу ноёб фазилатни ўз мисолингизда кўпроқ ҳис этишингизни истардик. Бизнинг мулоқотимиз ва ҳамкорлигимиз фақат биз бугун муҳокама қилиш учун йиғилган мавзу нуқтаи назаридангина муҳим эмас. Бундай мулоқотларда наинки муҳокама қилинаётган мавзу доирасидаги, балки кенг кўламдаги бошқа масалалар бўйича ҳам ҳамкорликка асос солинади. Энг муҳими, олимлар, раҳбарлар, мутахассислар, профессор-ўқитувчиларнинг ҳамкорлиги орқали, дунёнинг қайси ўлкасида яшаши, ўқиши ва меҳнат қилишидан қатъи назар, талабалар ва ёшларнинг ҳамкорлиги вужудга келади.

Шунинг учун ҳам биз барчангизни Тошкентда, нафақат Тошкентда, балки қадимий тарих ва цивилизация бешиклари бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива сингари шаҳарларимизда кўришдан хурсандмиз.

Шу имкониятдан фойдаланиб, сиз муҳтарам меҳмонларимизга, барча конференция қатнашчиларига яна бир бор ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва самимий миннатдорлигимни билдиришга рухсат этгайсиз.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда янги ютуқ ва омадлар, конференция ишига муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

«ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ – МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИ – РЕЗОЛЮЦИЯСИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда 2012 йил 16-17 февраль кунлари халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, юксак билимли ҳамда интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда давлатнинг роли ва бу борада тўпланган тажриба билан кенг таништириш мақсадида "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзуида халқаро конференция ўтказилди.

Халқаро конференцияда қарийб 1000 нафар иштирокчи, жумладан, дунёнинг 48 давлатидан, 8 халқаро ташкилот ва таълим жамғармаларидан 270 нафар вакил иштирок этди. Ушбу нуфузли форумда БМТ Бош котибининг ўринбосари, Осиё тараққиёт банки президенти, Ислом тараққиёт банки президенти, қатор хорижий мамлакатлардан вазирлар, соҳага тегишли қўмиталар раҳбарлари ва парламентлар депутатлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда Таълим соҳасини ислоҳ қилиш, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари, мазмун-моҳияти қисқача баён этилган нутқи халқаро конференция ишида муҳим аҳамият касб этди.

Бундан 15 йил олдин (1997 йилда) қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг Ўзбекистон танлаган "ўзбек модели"нинг ажралмас таркибий қисми экани алоҳида таъкидланди.

Жаҳондаги демократик, тараққий топган мамлакатлар тажрибасини умумлаштирган ва айни пайтда бошқаларнинг моделлари такрорланмаган ҳамда улардан нусха кўчирилмаган ушбу дастур ўтмишда мажбуран сингдирилган коммунистик мафкуранинг қолип ва андозаларидан бутунлай воз кечиш, одамларнинг, биринчи навбатда, униб-ўсиб келаётган авлоднинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, ҳаётда ўз фикрига, ўз йўлига ва қатъий гражданлик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйган.

Конференция қатнашчилари мамлакатимиздаги қатор умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасаларида бўлиб, уларнинг фаолияти билан танишди.

Конференция таълим тизимининг умумий ўрта таълимни ривожлантириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими самарадорлигини ошириш, унинг меҳнат бозори билан алоқасини кучайтириш, олий таълим тизимини юксалтириш, таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, олий таълим тизими ҳамда илм-фан ҳамкорлигини кучайтириш ва узлуксизлигини таъминлаш, таълим жараёнида маданиятнинг ўрни каби асосий масалалар бўйича тажриба алмашиш имконини берди.

Халқаро илмий-амалий конференция иштирокчилари Ўзбекистоннинг таълим тизимини ислоҳ қилиш борасидаги тажрибасини ўрганиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг нутқида баён этилган таълим тизимини ислоҳ қилишга оид принцип ва ёндашувларни тўлиқ қўллаб-қувватлайдилар:

■ Бугун юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга, билимли, самарали меҳнат қилишга қодир фуқаролар жамиятнинг энг муҳим бойлиги ва асосий капитали, уни ҳаракатга келтирувчи кучига айланиб бормоқда. Айнан шу боис XXI аср — интеллектуал билимлар асрида инсон капиталига инвестициялар йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатларгина юксак тараққиётга эришиши мумкин. Фақат том маънодаги билимли жамиятгина замонавий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўлади.

■ Бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги нафақат табиий ресурсларнинг мавжудлигига, балки, биринчи навбатда, замонавий, мунтазам янгиланиб турган технологияларни ўзлаштиришга қодир юксак билимли ва интизомли ишчи кучини мунтазам тайёрлашга боғлиқдир. Бундай ишчи кучисиз иқтисодиётнинг юқори технологияларга асосланган замонавий тузилмасини шакллантирадиган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиб бўлмайди.

■ Ҳар қандай давлат мамлакатнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришдан манфаатдор бўлмоғи керак. Глобаллашув даврида билимлилик мамлакатни иқтисодий ривожлантириш ва унинг миллий бойлигини кўпайтиришнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда, аҳолининг юксак маънавий даражаси эса одамларда ҳуқуқий маданиятни, эркин ва демократик ҳуқуқий давлатда яшаш ҳамда меҳнат қилиш қобилиятини шакллантириш, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англаш, улардан шахс, давлат ҳамда жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш имконини беради.

■ Миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш зарурлигини англаб етган, замонавий билим, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларга эга одамларгина ривожланиш борасида ўз олдига қўйган стратегик мақсадларга эриша олади.

■ Жамиятда билимли, маълумотли ва юксак интеллектга эга одамларнинг мавқеини ошириш; таълим ва касб-ҳунар дастурларининг жаҳондаги таълим, илм-фан, техника ва технологиялар, иқтисодиёт ҳамда маданият соҳасидаги замонавий ютуқларга мувофиқлиги; таълимни ёшларнинг келажакдаги амалий меҳнат фаолияти билан узвийлигини таъминлаш; таълим олаётган ўқувчи-ёшлар онгида умуминсоний қадриятлар, юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлаш устуворлигини шакллантириш; таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан муштараклиги, бошқа халқлар тарихи ва маданиятини ҳурмат қилиш таълим тизимини ислоҳ этишнинг асосий принциплари бўлиши лозим.

■ Таълим соҳасида, ҳам ушбу соҳада меҳнат қилаётганлар, ҳам замонавий кадрлар талаб қилинадиган тармоқлар вакиллари ўртасида халқаро ҳамкорликни мунтазам ривожлантириш зарур.

Халқаро конференция иштирокчилари Ўзбекистоннинг қуйидаги йўналишлар бўйича тажрибасини алоҳида эътироф этиш ва чуқур ўрганиш лозимлигини таъкидлайди:

■ Мактаб таълими мамлакатда яшаётган асосий миллатлар эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда етти тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб борилиши.

■ 9+3 схемаси бўйича ноёб 12 йиллик умумий бепул таълим тизимининг жорий этилиши. Бунда умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни эгаллайди. Бу ўқувчиларга иқтисодиётнинг энг истиқболли ва кўлами кенгайиб бораётган соҳаларида касб-ҳунар кўникмаларига эга бўлиш имконини беради.

Бунда ҳар бир битирувчи мажбурий таълимдан сўнг ўз хоҳишига кўра, олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириши ва бакалавр ҳамда магистр даражасини олиши мумкин.

■ Ҳар бир коллежнинг малакали ишчи кучи буюртмачилари бўлган муайян корхоналар билан яқин алоқани йўлга қўйгани. Бу келажакда таълим муассасалари битирувчилари меҳнат қиладиган корхоналарнинг эҳтиёжларини аниқлаш имконини беради.

■ Республиканинг ҳар бир ўқув юртида оптик-толали алоқа линиялари асосида қурилган ягона ZiyoNet ахборот-таълим тармоғига уланган ахборот-ресурс марказлари ташкил этилгани. Бу ўқувчиларнинг зарур ахборотлардан фойдаланиши, видеоконференциялар, семинарлар ўтказиш, масофадан туриб ўқитиш ва ўқув машғулотлари учун мультимедиа аудиторияларини ташкил этишда кенг шароитлар яратиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон таълим тизимида технологиялар ва замонавий медиа ҳамда телекоммуникация воситаларидан фойдаланишга хизмат қилмоқда.

■ Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳнамолигида ташкил қилинган махсус Жамғарма базасида болалар спортини ривожлантиришга устувор эътибор қаратиш. Спорт билан шуғулланиш ва болалар, жумладан, қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш бевосита Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг халқаро стандартларига йўналтирилган. Мамлакатда болалар ва ёшларни спорт билан шуғулланишга оммавий жалб қилиш бўйича уч босқичдан иборат, мактаб ўқувчилари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчилари, шунингдек, олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказиладиган мусобақаларни ўз ичига олган ноёб тизим яратилган.

Конференция иштирокчилари қуйидагиларни қайд этдилар:

■ Ижтимоий-маданий омилларни, таълим жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлган маданиятни тушунмаслик, унга етарлича баҳо бермаслик маданиятни фақат одамларнинг дам олишини ташкил этиш воситаси сифатида юзаки ҳамда бирёқлама тушуниш билан баробардир, бу иқтисодий онгни шакллантиришда уни етарлича баҳоламасликка олиб келади.

■ Таълим тизимини ислоҳ қилишда том маънодаги билимли, яхши тарбия кўрган ва маънавияти юксак одамларгина ҳар қандай, энг мураккаб муаммоларни ҳам зўравонлик ва адоватга берилмасдан ҳал этишга қодир эканини эътиборга олиш даркор.

■ Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаларини, уларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг пировард натижаларига таъсирини баҳолашнинг кўрсаткичлари ҳамда мезонларини ишлаб чиқиш зарур.

Халқаро конференция иштирокчилари Ўзбекистоннинг таълим тизимини ривожлантириш борасидаги тажрибасини ўрганиш бўйича тингланган ва муҳокама этилган маърузаларни ҳисобга олган ҳолда, қуйидагиларни тавсия этадилар:

кадрлар тайёрлаш сифатини, уларнинг рақобатбардошлиги ва кадрларга бўлган эҳтиёжни ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратган ҳолда, миллий таълим тизимларини модернизация қилиш. Таълимнинг мавқеини шундай даражага етказишни таъминлаш керакки, билим олишга интилиш ёш авлоднинг энг муҳим мақсадли вазифаларидан бирига айланиши лозим;

Ўзбекистон мисолида Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида жорий этиш имкониятини ўрганиш. Бу баркамол шахсни шакллантириш ва тарбиялашда педагоглар меҳнатининг роли ва аҳамияти жамоатчилик томонидан эътироф этилишининг тасдиғи бўлиб хизмат қилади;

таълим ҳар бир инсоннинг бутун умри давомида ҳаётининг таркибий қисмига айланиши имконини яратадиган узлуксиз таълим тизимини жорий этиш. Шу муносабат билан "Билим — бутун ҳаёт давомида ҳар бир инсон учун" концепциясига асосланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини жорий этиш борасидаги Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш;

аҳолининг, шу жумладан, олис қишлоқлардаги болалар ва ёшларнинг барча босқичда бепул умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олиш имкониятини кенгайтириш;

таълим тизимини такомиллаштириш ва уни молиялаш манбаларини кенгайтириш. Давлат бюджетининг шу мақсадларга йўналтирилаётган харажатларига мамлакат миллий бойлиги ўсиши учун сарфланаётган муҳим инвестициялар сифатида қараш. Ҳар йили таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи ва Давлат бюджети харажатларининг 35 фоизини йўналтираётган Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш;

таълим тизимини ислоҳ қилишда Ўзбекистоннинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини ташкил этиш, таълим муассасаларининг муайян корхоналар билан яқин алоқаларини йўлга қўйиш борасидаги тажрибасини ҳисобга олиш;

таълим тизимларининг таълим, касб тайёргарлиги, илм-фан, маданият ва спорт баркамол ёш авлодни тарбиялашнинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланадиган комплекс, кенг қамровли хусусиятларини таъминлаш;

энг яхши хорижий олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш бўйича Ўзбекистонда фаол қўлланиб келинаётган амалиётни ривожлантириш;

иқтисодиёт таркибидаги ўзгаришлар ва жамиятнинг муҳим эҳтиёжларига мувофиқ, ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини узлуксиз ошириш бўйича самарали тизимни яратиш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтирган ҳолда ўқитувчилик касбининг нуфузини ошириш;

ўқитишнинг барча босқичларида ўқув дастурларининг изчиллиги ва ўзаро мувофиқлигини таъминлаш. Ўқув дастурларида умумий ва қўшимча таълимнинг интеграциялашувини, шунингдек, ўқитиш мазмунмоҳиятини реал ҳаётий эҳтиёжларга максимал даражада яқинлаштиришни кўзда тутиш;

халқаро стандартлар, замонавий илм-фан ва техника ютуқлари, амалга оширилаётган институционал ва таркибий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари, ўқитишнинг барча шаклларининг интеграциялашувини инобатга олган ҳолда, ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини, ўқитиш методикасини мунтазам такомиллаштириш, табиий-илмий ҳамда инженерлик фанлари соҳасида ўқитиш компонентларини кучайтириш;

таълимни жадал ривожланаётган ва юқори технологияли меҳнат бозорида эҳтиёж катта бўлган мутахассисларни тайёрлашга йўналтириш учун таълимнинг барча босқичларида табиий-илмий ва инженерлик фанларини ўқитишнинг амалий хусусиятга эга тизимини жорий этиш;

барча ўқувчилар ва ўқитувчилар таълим жараёнининг ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот ресурсларидан тўлиқ фойдаланишини таъминлаш, электрон ўқитишни кенг татбиқ этиш, ўқитишнинг янги технологик шакл ва услубларини яратиш;

ўқитишнинг барча босқичларида хорижий тилларни ўргатишни кенгайтириш, бу ёшларнинг ахборот ресурсларидан кенг фойдаланишини, шунингдек, уларнинг халқаро меҳнат бозори шароитларига мослашишини таъминлайди.

Халқаро конференция иштирокчилари Халқаро молия институтлари, донор мамлакатларга қуйидагиларни тавсия этадилар:

ривожланаётган мамлакатларга барча босқичдаги таълим тизимлари, жумладан, олий таълим тизимини ривожлантиришга техник кўмаклашиш учун грантлар ҳамда имтиёзли кредитлар ажратиш амалиётини кенгайтириш;

таълим тизимини, жумладан, халқаро конференциялар, симпозиумлар, семинарлар ўтказиш ва тажриба орттириш, шунингдек, мақолалар чоп этиш орқали ривожлантириш борасида жаҳондаги энг илғор тажрибаларни оммалаштиришга кўмаклашиш;

ривожланаётган мамлакатларга дунёнинг тараққий этган давлатларидаги ўқув юртлари ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишда кўмаклашиш.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига мазкур анжуманни юксак савияда ташкил этгани ва ўтказгани учун миннатдорлик билдиради.

Конференция Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг таълим технологияларини ривожлантириш ва меҳнат бозоридаги шароитларнинг тез ўзгариб бораётганини эътиборга олган ҳолда, таълим тизимини юксалтириш ва модернизация қилиш жараёнида эксперт-мутахассисларнинг доимий мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистонда "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзуидаги халқаро конференцияни мунтазам ўтказиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлайди.

Таассурот

«ЎЗБЕК МОДЕЛИ»НИНГ ЭЪТИРОФИ

Маълумки, таълим жараёни мунтазам янгиланишни талаб этади. Бу ер юзида фан ва техника соҳасида содир бўлаётган ўзгаришлар, қилинаётган кашфиётлар билан боғлиқ. Шу сабабли истиқлол йилларида юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук ва соғлом этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган вақт оралиғида таълим-тарбиянинг энг муҳим ўчоғи бўлган мактаблар фаолиятини тўғри йўлга қўйиш мақсадида "Таълим тўғрисида"ги, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги бир қатор қонунлар яратилдики, улар бугун фарзандларимизни ҳеч кимдан кам бўлмай камол топишида дастуриламал бўлаётир.

Мазкур меъёрий ҳужжатларда акс этганидек, мамлакатимиздаги барча ўқув масканлари замонавий компьютерлар, кўргазмали қуроллар, янги дарсликлар ва қўлланмалар изчиллик билан таъминланаётгани қувонарлидир.

Ёш авлод ўқитиш сифати юқори, замонавий, қулайликлари жиҳатидан ҳавас қилса арзийдиган зиё масканларида таҳсил олмоқда. Энг муҳими, Ўзбекистонда таълимнинг барча босқичлари учун давр талабларига мос давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, шу жумладан, мултимедиа дастурлари ишлаб чиқилди. Ўқитишнинг илғор педагогик технологиялари ва интерфаол усуллари кенг қўлланилаётир. Ўқув юртларида турли ўқув адабиётлари фондига, жумладан, электрон шаклдаги қўлланмаларга эга ахборот-ресурс марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Эътиборли томони, Ўзбекистон таълим тизимида амалиётга татбиқ этилаётган мазкур ислоҳотлар ва янгиланишлар халқаро жамоатчилик томонидан муносиб баҳоланаяпти. Дунё ҳамжамиятида қизиқиш уйғотган омиллардан бири — қисқа фурсатда мамлакатимизда юзлаб янги ўқув биноларининг қад ростлагани, мавжудлари эса таъмирдан чиқарилиб, энг сўнгги замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлангани бўлса, иккинчи сабаб ўқувчи-

ёшларимизнинг ўз иқтидорларини намойиш этиб, ўрганган билим ва кўникмалари билан республика ҳамда халқаро фан олимпиадаларида, турли анжуманларда Ватан шаънини муносиб ҳимоя этишидир.

Жорий йилнинг 16-17 февраль кунлари пойтахтимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизациялашнинг муҳим шарти" мавзуида халқаро конференциянинг бўлиб ўтиши ҳам юртимиздаги таълим тизимига халқаро жамоатчиликнинг юксак эътирофи бўлди, дейиш мумкин.

Ушбу йирик халқаро анжумандан бир кун аввал мамлакатимизнинг қатор олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва умумтаълим мактабларига ташриф буюриб, уларнинг фаолияти билан танишган хорижликлар Ўзбекистонда ушбу соҳада ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётганига ишонч ҳосил қилдилар. Уларнинг айримлари ўз таассуротларини журналистларимиз билан ўртоқлашдилар.

Эрик Куан, Сингапур менежментни ривожлантириш институти президенти:

— Ўзбекистонда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш учун барча шарт-шароит яратилган. Бунга мамлакатингиздаги бир неча таълим муассасаларига ташриф буюргач, катта ишонч ҳосил қилдим. Айниқса, Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи мени лол қолдирди. Бу ерда назарий жиҳатдан яхши тайёрланган истеъдодли йигит-қизларни кўрдим. Улар коллеж моддий-техник жиҳатдан яхши таъминлангани боис ўз билимларини амалда қўллаш ва темирйўлчи деган шарафли касб масъулиятини тўлиқ ҳис этиш имконига эга.

Кале Кюттис, Эстония таълим ва фан вазирлигининг умумий ҳамда касб-ҳунар таълими вице-канцлери:

— Ўзбекистонга илк бор бундан 25 йил аввал келганман. Ўтган давр мобайнида бу ерда оламшумул ўзгаришлар рўй берибди. Биринчи навбатда мамлакатингиз мустақилликни қўлга киритиб, барча жабҳаларда, шу жумладан, таълим тизимида ҳам юксак кўрсаткичларга эришганига гувоҳ бўлдим.

Бу галги сафарим давомида кўрганим — ҳатто бошланғич синф ўқувчилари ҳам бир қанча тилларни яхши билиши ва ўз фикрини эркин баён этиши мени лол қолдирди. Менимча, дарсларнинг интерфаол шаклда ўтилаётгани ўқув жараёнида юқори натижаларга эришиш имконини бермоқда.

Мазкур форумда кўплаб йирик халқаро ташкилотлар, молия институтлари, жумладан, БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этишгани диққатга моликдир. Улар орасидан сўзга чиққан БМТ Бош котибининг ўринбосари Нойлин Хейзер, Халқаро Вестминстер университети ректори Жеффри Петтс (Буюк Британия), М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори Виктор Садовничий, Ислом тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али, Вебстерск университети проректори Нанси Хеллеруд (АҚШ), Сингапур менежментни ривожлантириш институти президенти Эрик Куан, Хосей университети ректори Тошио Масуда (Япония), Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик бўйича директори Теодор Алерслар бугунги кунда таълим соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларга юқори баҳо бердилар. Ўзбекистон таълим тизимида ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган ислоҳотлар Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлашди.

Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода эса ўз чиқишида Ўзбекистоннинг ижтимоий ва гуманитар ривожланиш борасидаги ютуқлари таҳсинга сазовор эканини таъкидлади. ОТБ раҳбари, шунингдек, глобаллашув жараёни билан боғлиқ эҳтиёжлар ҳам ҳисобга олинган Ўзбекистон таълим модели мамлакатимизнинг Осиёда ва жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга хизмат қилишини қайд этди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда яратилган ва муваффақиятли амалга оширилаётган, бутун дунёда "ўзбек модели" деб тан олинган кадрлар тайёрлаш модели ўз самарадорлиги ҳамда қўйилган мақсадларга эришиш бўйича кўплаб давлатлар, жумладан, ривожланган мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги бир қатор хориж мамлакатлари вакиллари томонидан эътироф этилди. Бу эса ҳар биримизга фахр, ифтихор туйғуларини бахш этади.

Азим РЎЗИЕВ,
"Нигтіуат" мухбири

ДАВР БИЛАН ҲАМҚАДАМ БЎЛАЙЛИК

Иброҳим НОРМАТОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист:

Шуҳрат ЖАББОРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист:

— Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йили давомида эришилган барча ютуқларга гувоҳмиз. Ҳамма соҳаларда оламжаҳон ислоҳотлар амалга оширилди. Дунё ҳамжамияти эътироф этиб турган кўламли бунёдкорлик ишлари бажарилди. Айни пайтда ҳам дадил одимлар ташланмоқда. Ана шу тарихий муваффақиятларнинг қўлга киритилишида мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситаларининг ҳам ҳиссаси бор, албатта.

Ҳақиқатдан ҳам, давр эврилишлари бизнинг соҳада касб-малакага оид туб ўзгаришларни кутаяпти. Хусусан, журналист, унинг замон билан ҳамнафаслиги масаласига келсак, бу талаб жуда тўғри. Айниқса, бозор муносабатлари шароитида, рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги пайтда ҳар қандай нашрнинг омма орасидан ўзига муносиб жой излаши табиий. Соддароқ мисол келтириб ўтсам: майдонга тушган футболчилар ўз рақибларидан устунликка эришиш учун тактикаларини тез-тез ўзгартириб туришади. Бизнинг соҳада ҳам шундай бўлиши керак.

Ҳар бир нашр ўқувчиларнинг доимий эътиборини тортишни истайди. Аммо бунга эришиш учун ёлғиз истакнинг ўзи камлик қилади. Бугун аксарият газета ва журналларимизда берилаётган материаллар асосан мақола, интервью, суҳбат, хабар жанрларига тааллуқли. Боз устига, уларнинг ёзилиши жўн, ҳамма одатий кўникиш ҳосил қилган маълум чегарадаги сўзлардангина фойдаланилаяпти. Ваҳоланки, матбуотда муштарийларни қизғин ижодий кайфиятда ушлаб турадиган очерк, репортаж, лавҳа, фоторепортаж, фотоочерк, фельетон, корреспонденция каби журналистик жанрлар ҳам мавжуд. Уларнинг ҳар бири журналистнинг маҳорати билан қоришиб, бугун юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмунини жамоатчиликка етказишда қўл келиши мумкин.

Ҳеч эътибор берганмисиз? Хориждаги каби олди-қочди воқеалар, енгил-елпи ҳаёт, беҳаёлик, қотиллик, хиёнат ва диёнатсизлик ҳақида мақолалар берган газеталар тезда сотилиб кетади-ю, ижтимоий-сиёсий мавзудаги, жиддий масалалар ёритилган нашрлар эътибордан четда қолади. Бунинг сабаблари кўп. Ҳозирча соҳанинг ички муаммоларини таҳлил этишга эътибор қаратсак.

Маълумки, мавзуларни ўта жиддий, бир хил услубда, мушоҳадасиз ёритиш ўқувчиларни зериктириб қўяди. Гап расмий материаллар ҳақида эмас, уларнинг мазмун-моҳиятини содда, равон услубда, турли жанрлардан фойдаланган ҳолда оммага етказиш ҳақида бормоқда. Матбуотда жанр хусусиятларидан кам фойдаланилаётгани унинг ғариблигига сабаб бўлмоқда. Таҳлил, таклиф, фикр-мулоҳаза, хулоса йўқ ҳисоби. Фақат рақамлар, исм-фамилиялар, корхона, муассасаларнинг номи санаб ўтилади. Баъзан турли идоралар томонидан тайёрланган оддий маълумотномалар ҳам мақола деб эълон қилиняпти.

— Дарҳақиқат, барча матбуот нашрларида ҳам жанрлар ранг-баранглиги етарли ифодасини топмаяпти. Хўш, турфа жанрлардан фойдаланиш даврий нашрга нима беради? Фикримча, тақдим этилаётган материалнинг жозибадорлиги ошади, газетхонда қизиқиш уйғонади. Айрим таҳририятлар тезкорлик баҳонасида бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтиришмайди. Оқибатда идоравий маълумотларни эслатувчи ҳисобот тарзидаги мақолалар "болалагани болалаган". Бундай чиқишлар газетхонни қизиқтирмайди, албатта.

Журналистларимиз омманинг кўз ўнгида турган муаммоларни ўз вақтида илғаб олишолмаяпти, чоғи. Яна бир туркум мақолалар пресс-релизлардан иборат бўлиб қоляпти. Баъзан эса айнан бир хил фикр турли нашрларда икки томчи сувдек ўхшаш шаклда газетхонга тақдим этилади. Буларнинг барчаси ҳамкасбларимизда ижодий изланиш талаб даражасида эмаслигидан дарак беради, менимча.

Газетхонлар хуш кўриб ўқийдиган битта жанр бор. У ҳам бўлса, фельетон. Мустабид замонда танқидий чиқиш деганда қайсидир мансабдорни бадном қилиш, устидан мағзава ағдариш тушунилган. Бугунги кун талаби эса бошқача: хато-камчиликларни, салбий ҳолатларни "ур калтак-сур калтак" усулида эмас, ярага малҳам излаган шифокор каби кўрсатиб беришдан иборат. Феъли кенг, мулоҳазакор, билимдон қалам соҳибигина шундай йўл тута олади. Ҳар ҳолда, ўқувчи эътиборини қозониш учун шу сингари танқидий-таҳлилий мақолалар кўпроқ чоп этилса, айни муддао бўларди.

Иномжон АБДИЕВ, журналист:

— Ҳозир юртимизда оз эмас, кўп эмас, 1250 дан зиёд оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Бундай ўйлаб қаралса, катта ахборот майдони мавжуд. Мушоҳададан маълум бўляптики, ана шу газета-журналларимиз савияси хусусида фахрланишга ҳали эрта. Чунки улар турмушимизда учраётган таъмагирлик, порахўрлик, лоқайдлик каби иллатларга баҳо беришда, лозим бўлганда танқид қилишда очиқчасига оқсаяпти. Жамиятимизда амалга оширилаётган улкан ислоҳотларнинг қарор топишида биз, ОАВ ходимларининг кўмаги, ташаббускорлиги сезилмаётганини ҳам тан олишимиз керак. Шунинг учун ҳам фуқароларимизнинг матбуотга қизиқиши суст бўлса, ажабмас.

Публицистика тарихига назар ташланса, у адабиёт, сиёсат ва журналистиканинг ҳосиласи эканини кўриш мумкин. Публицистика бир вақтнинг ўзида шу уч соҳа қудрати ва жозибасини ўзида намоён эта олади. Афсуски, бугун улардан унумли фойдаланилмаяпти.

Равшан ЖОМОНОВ, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг "Ўзбек ва жаҳон филологияси" кафедраси мудири, доцент:



— Жанрлар ўз таъсирчанлигини йўқотган, дейиш нотўғри бўларди. Навоий бобомиз ёзганларидек, "Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп". Ҳар бир гулнинг ўз ҳиди, ўз жозибасию таровати бўлганидек, ҳар бир жанрнинг ҳам ўзига хос ўрни, бажарадиган вазифаси бор. Шундай экан, ҳар бир жанрдан ўз ўрнида фойдалана олиш мақсадга мувофиқдир.

Назаримда, таҳририятларда хизмат қилаётган аксарият қаламкашлар жанрларнинг хусусиятлари ҳақида етарли маълумотга эга эмас. Бунинг учун нафақат назарий билим, балки амалий кўникма, тажриба зарур бўлади. Айниқса, юқорида таъкидланган жиддий ижтимоий мавзуларни баён этишда очерк, репортаж жанрлари имкониятидан кенгроқ фойдаланиш ўринли бўларди. Чунки ҳар бир жанрнинг ифода тили ҳар хил. Масалан, очерк мавзуси ҳикоя усулида, фельетон эса сатира усулида ифодасини топади.

Шундай йўл тутган нашрга нисбатан газетхоннинг ҳам эътибори ортади.

Акбар НУРМАТОВ, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети декани:

— Кўпинча журналист учун асосийси қизиқарли материал тайёрлаш, у қайси жанрда ёзилишининг мутлақо қизиғи йўқ, деган фикрни эшитиб қоламиз. Бошқа мулоҳаза ҳам бор: жанр ҳақида фикр юритиш аҳамиятга эга эмас, чунки "жанр" тушунчаси доимо ўзгариб ва мураккаблашиб борадиган жараён, жанр назарияси эса тўлалигича ишлаб чиқилган эмас. Дарвоқе, турли тадқиқотчилар ўзларининг ҳар хил жанрлар "мажмуи"ни тақдим этишмоқда. Улар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш журналистларнинг касбий фаолиятига ёрдам беради. Масалан, газета муҳаррири журналистга "Армия ҳақида яхши материал ёзсангиз" деса қаёқда-ю, унга "Қаҳрамон аскар ҳақида очерк ёзинг" деса қандай бўлади? Бизнингча, кейинги мурожаатдан сўнг журналист ундан қандай материал кутилаётганини яхши англайди.

Иброҳим НОРМАТОВ:

— Акбаржон ўз нуқтаи назарини ифода этди. Аммо таҳририятда иш бошлаган ёш журналист очерк ёзиши учун, аввало, уни қандай ёзишни ўрганган бўлиши шарт. Майли, бу бошқа мавзу. Яхши газетачи биринчи саҳифани репортажсиз тасаввур қилолмайди. Репортажда бугунги воқеа-ҳодиса ва ўзгаришларга бой ҳаётимизнинг бир парчаси жонли акс этади. Уни нафақат тантана ва маросимдан, пахта даласи ёки ишлаб чиқаришдан, семинар-кенгашдан, балки расмий тадбирлардан ҳам ёзиш мумкин. Очерк масаласида ҳам худди шундай фикр билдириш мумкин. Ҳозир ҳамкасбларимиз "қаҳрамонлари"нинг таржимаи ҳоли ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларидан нарига ўтишолмаяпти. Ваҳоланки, газетачиликда очерк — бадиий жанр. Инсоннинг меҳнатдаги ибратини, ҳаётдаги олижаноблигини, жамиятдаги салоҳиятини бадиий тўқималарда, чиройли тасвирларда уйғунлаштириб, ечимини топиб бериш катта маҳорат ва изланишни талаб этади. Аслида очерк ёзиш учун қаҳрамоннинг ҳаётини, ишини, фикр-хаёлларини чуқур ўрганиш, қалбдан ўтказиш лозим бўлади.

Ёки бошқа масала: кейинги пайтда аксарият газеталар суднинг қарорини салпал "ишлаб" ёки бирор судьянинг номидан бериш билан фельетон жанридан воз кечиб қўя қолишди. Ахир, фельетон фақатгина жиноятчилар ҳақида ёзилмайди-ку! Айтайлик, орамизда бюрократлар, дангасалар, ёлғончилар, хиёнаткорлар, диёнатсизлар йўқми? Ота-оналарини қаровсиз ташлаб қўйганлар-чи? Одам савдоси масаласини олайлик. Фельетон ёки памфлет ёзаман деганга мавзу қаҳат эмас. Нега шулар ҳақида ёзмаслик керак?! Ҳатто ношукурлар ҳақида ҳам фельетон ёзиш мумкин. Айрим ҳамкасблар «шарҳ» деганда фақат халқаро шарҳни тушунишади. Барча соҳалар, хусусан, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий-маърифий ҳаётдаги турли мавзулар ҳақида ҳам шарҳ ёзса бўлади. Уни ёза олмасликка фақат маҳоратсизлик, эринчоқлик сабаб. Бундай муҳитга тушиб қолган ёш журналистдан нимани кутиш мумкин?

Боз устига, стилистика нималигини билмайдиган "дипломли журналист"лар кўп. Демак, соҳага оид ўқув юртларидаги мутасаддилар ҳам бу масалада жиддийроқ бош қотиришлари керак бўлади.

Санжар РУСТАМОВ, журналист:

— Бир неча йиллардан бери шу соҳада ишлайман. Очиғини айтсам, журналистлик машаққатли касб эканини англаб бораяпман. Юқорида устозларимиз таъкидлаганидек, ҳар доим яхши мақола, яхши очеркка эҳтиёж катта бўлган. Улар аслида мавзулар йўналишларидан келиб чиққан ҳолда танланади. Лекин бугун матбуотимизда аудитория эҳтиёжи, талаб ва истакларига мос ахборотларга ҳам, мукаммал даражада ёзилган журналистик жанрларга ҳам деярли кўзингиз тушмайди. Бир неча йилдирки, газета-журналларда ярқ этиб кўзга кўринган, маҳорат билан ёзилган очерк, лавҳа, репортаж сингари жанрлар эълон қилинмай қўйгани боис, биз — ёш журналистлар уларни ёзиш тугул, аслида қандай ёзилиши керак, деган саволга жавоб ҳам бера олмай қоляпмиз. Биласизми, олий ўқув юртида журналистиканинг энг мураккаб жанрларидан бири — шарҳ ҳақида бутун ўқув йили мобайнида дарслар ўтилган эди. Маърузачи устозимизга юрак ютиб, шарҳ ҳақида барибир етарлича тушунчага эга бўлмаганимизни айтганимизда, у биздан ҳеч қачон журналист чиқмаслигини айтиш билан чекланган...

Иброҳим НОРМАТОВ:

— Мана, муаммо қаерда!.. Чиндан ҳам ҳозир кўпчилик ёш ҳамкасбларимиз жанр нималигини билишмайди. Сўрасангиз, елка қисишади. Ёшларни билишга, ўрганишга қўниктиришимиз, ортимиздан эргаштиришимиз зарур, ниҳоятда зарур! Чунки уларнинг аксарияти турли учрашув, семинар-кенгаш ва бошқа тадбирларга бориб, тайёр "пресс-релиз"лар асосида хабар ёзишга мослашиб қоляпти. Бунга биз — устозлар ҳам сабабчимиз. Улардан турли мавзу ва жанрларда ёзишни талаб қилмай қўйдик. Бундай пайтда газетамизни сотиб олмаётган газетхондан эмас, унинг кўнглига йўл топа олмаётган ўзимиздан хафа бўлишимиз керак.

Қолаверса, жанрларни тушунтириш ва тажрибаларни ўргатишга, амалий машғулотлар ўтказишга кимларни жалб этиш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш зарур. Масалан, умрида битта ҳам репортаж ёки очерк ёзмаган одам қандай қилиб ёш журналистларга ана шу жанрларда ёзишни ўргата олади? Ёки мақолани корреспонденциядан, памфлетни фельетондан ажрата олмаган "устоз" шогирдлар олдида қандай аҳволга тушиб қолади?

Акбар НУРМАТОВ:

— Албатта, воқеликни ёритишда турли журналистик жанрлардан кенг фойдаланиш муҳим. Собиқ шўролар тузумида бу жанрлардан мафкуравий тарғибот, матбуотдан эса ғоявий қурол сифатида кенг фойдаланилган. Ахборот узатиш технологиялари ривожланган ҳозирги даврда бу жанрларнинг ўрнини тезкор хабарлар, янгиликлар эгаллади. Классик жанрлар ўрнини савияга мосланган "жанрлар": қўйди-чиқдилар ҳақидаги маиший ҳикоялар, латифалар, ривоятлар, ҳикоятлар, пародиялар, кичик-кичик ҳазиллар ва ҳоказоларни таъкидлаш етарли.

Замонавий журналистика назариясида тасвирлашнинг фактографик, таҳлилий ва образли-тасвир усуллари мавжуд. Улар объектнинг субъект томонидан қанчалик чуқур англаш даражасини белгилашда восита бўлади. Биринчи ҳиссий англашдан мавҳумликкача, назарий ўзлаштиришгача, предметнинг анча бойитилган ҳолда, аниқ ва тўлиқ (шу жумладан, унинг бадиий) образигача бўлган жараённи босиб ўтади. Журналист ушбу вазифаларни амалга ошириш жараёнида жамиятнинг турли томонлари ҳақида тезкор, таҳлилий, ҳиссий-образли ахборотлар тайёрлайди. Ушбу йўлда журналист борлиқни англашнинг турли услубларидан фойдаланади.

Абдумажид АЗИМОВ, журналист:

Суҳбатдошларимизни тинглаб, ўзимча хулоса қиляпманки, биз бугун даврдан бироз орқада қолаётгандекмиз. Ваҳоланки, журналист ҳеч қурса замон билан баравар, ҳатто ундан бир қадам илгарироқ юриши керак. Бугун юртимизда журналистни яйраб ёзишга арзийдиган қанча ўзгаришлар, бунёдкорликлар бўлмоқда. Хусусан, мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларини ҳам қамраб олган давлатимиз томонидан қурилаётган намунали уй-жойлар, уларни имтиёзли кредитлар асосида халқимизга берилаётган ёки ўтган йилларда касб-ҳунар, таълим, тиббиёт, қўйингки барча соҳаларда қилинаётган ва жаҳон аҳли тан олаётган оламшумул ишлар, шу соҳалардаги фидойи инсонларнинг фаолияти ҳақида қандай зўр таҳлилий-бадиий очерклар, лавҳалар яратса бўлади. Афсуски, биз газета тезкорлиги баҳонасида оддий баённчиликдан нарига ўта олмаяпмиз. Зеро, биз ҳам ўзгараётган даврга воқеа-ҳодисаларга муносабатимизни баб-баравар чоғлаб, ўзгартиришимиз зарур. Бусиз ишимиз олға силжимайди. Замон ўзгарса-ю, касбга муносабат ўзгармаса...

Баъзан, умуман журналистикадан узоқ, ҳаваскор қаламкаш ёшлар таҳририятимизга мақола олиб келади. Уларнинг дунёқараши кенглигидан, воқеликни тасвирлаш маҳоратидан ҳайратга тушаман. Демак, гап истеъдод тарбиясига боғлиқ. Шундай экан, таҳририятлар қошида устоз ва шогирдлик анъаналарини қатъий йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўларди. Биргина мисол, атоқли ёзувчи Асқад Мухтор "Гулистон" журналига раҳбарлик қилганида атрофига тўплаб, тарбиялаган шогирдлари бугунги кунда ҳам матбуотимизда фидокорона хизмат қилишяпти. Хуллас, касбимизга нисбатан уйғоқ шуур билан муносабатда бўлиш заруратга айланиб бораётганини ҳис этишнинг ўзи камлик қилади. Буни амалда кўрсатайлик...

Шуҳрат ЖАББОРОВ:

— Ижодкорликнинг уфқи кенг. Бу борада ягона қолип йўқ. Моҳир чеварлар яратган шоҳи сўзаналарни кўрганмиз. Ундаги ҳар бир шакл, нақшу нигорлар алоҳида меҳр, катта ҳафсала билан ишланган. Журналист яратган битиклар ҳам ана шу сўзаналар каби жозиба бахш этишига эришишимиз ўзимизга боғлиқ. Нафақат жанрлар, балки ижодий усуллар устида ҳам изланиш муҳим. Ўрни келганда диалог, иқтибос, лирик чекиниш каби шаклларни уйғунлаштириш, пировардида, газетхоннинг эътиборини тортиш айни муддаодир.

Газета тили тор ихтисослашган илмий йўналишлардан кўра халқ ўртасидаги муомала тилига яқинроқ бўлгани маъқул. Тақдим этилган мақолаларни овоз чиқариб ўқинг, уни тинглаган одамда қизиқиш ўйғонадимийўқми? Газета тили — кўпчиликни ўйлантирадиган масала. Тилшунослар тадқиқотларида, луғатларда ўзаро муомалада кам ишлатиладиган сўзларга "китобий сўз" деб изоҳ беришади. Газетада қўлланиладиган сўзлар эса китобий эмас, халқона бўлгани маъқул.

Қаҳрамон ёзувчимиз Саид Аҳмаднинг "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари ташкил топганининг 10 йиллигида айтган гаплари ёдимдан ҳеч чиқмайди. У киши газетанинг ўзига хос тилини тадқиқ этган олим борми, шу мавзуда кимдир чиқиш қиладими, деб бонг урган эди. Оқсоқол адиб шундай мисол келтирди: "Биз пахта даласига қадам ранжида қилдик". Бу қанақа жимжимадорлик? "Қадам ранжида қилдик" дегани "оёғимиз оғриб келдик" деган маънони беради. Матбуотимизни ана шунақа сўзлардан халос қилишга эътибор қаратсак яхши бўларди".

Равшан ЖОМОНОВ:

— Дарҳақиқат, газетачиликда тафсилотларни ифодалаш содда, тушунарли, жонли бўлгани маъқул. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам адабий тил меъёрларидан четга чиқиш мумкин эмас. Шунингдек, ҳар бир жанрнинг, ҳатто ҳар бир нашрнинг ўз лисоний хусусиятлари сақлангани маъқул. Олайлик, юқорида айтилганидек, фельетон жанрида турли хил қочиримлар, киноя ва кесатиқ сўзлар, кундалик турмушда ишлатиладиган иборалардан унумли фойдаланиш мумкин. Соф илмий услубдаги мақолаларнинг газеталарда берилиши публицистик нашрнинг на нуфузини, на савиясини оширади.

Шу ўринда ҳаммамизга ибратли бир мисолни келтириб ўтсам. Маълумки, улкан адибимиз, ўзбек миллий романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий узоқ йиллар "Муштум" журналида хизмат қилган. Эътибор бериб қаралса, у оддийгина мақоласини ҳам шундай маҳорат билан ёзганки, ўқувчи лол қолади. Буни қарангки, романлари ҳам шундай ўқишли. Демак, гап талант тарбиясида. Журналист қайси жанрда ёзмасин, агар у истеъдодсиз бўлса, бефойда...

Абдумажид АЗИМОВ:

— Албатта, талант тарбияси муҳим масала. Босма ахборот воситаларининг оммавийлашувида уларнинг маҳоратига суяниш, турмушда учрайдиган, жамоатчилик кўз ўнгида турган муҳим масалаларни матбуот саҳифаларига олиб чиқиш, муаммолар бўлса, бартараф этишга кўмаклашиш ўз-ўзидан газетхонларнинг эътиборини тортади. Шу ўринда мамлакатимизда ОАВ учун яратилаётган барча шароитлардан унумли фойдаланиб, таҳририятларнинг ички имкониятларини амалда мазкур давра суҳбати давомида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқадиган мақсадлар сари йўналтирсак, соҳанинг янада ривожланишига катта ҳисса қўшилган бўларди. Айниқса, дунёда иқтисодий инқироз кўлами тобора ортиб, таъсир доираси кенгайиб бораётган, бунинг устига мафкура полигонларида ахборот хуружи алангалар чиқараётган ҳозирги пайтда бу жуда муҳим. Соҳанинг мураккаб жиҳатларини янада пухтароқ эгаллашимиз, сафимизни мустақиллигимиз қўрғонини ҳар қандай хавф-хатардан ҳимоя қилишга қодир, бир неча тилда қалам тебрата оладиган, замонавий компьютер техникаларидан фойдаланадиган, ёш, маҳоратли кадрлар билан тўлдириб бориш қанчалик зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

ТАҲРИРИЯТДАН: Мазкур давра суҳбатини ташкил этишдан мақсад соҳа ходимларининг босма ахборот воситаларининг оммавийлигини ошириш борасидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиш эди.

Албатта, бугун матбуот олдида турган муаммоларни ушбу биргина суҳбат доирасида таҳлил қилиш, тегишли хулосалар чиқариш камлик қилади. Шу ўринда "югуриб бораётган адабиёт"нинг янада халқчил, давр билан ҳамнафас бўлиши, пировардида, газетхонларнинг ҳурмати ва меҳрини қозониш омиллари ҳақида соҳа жонкуярлари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этадилар, деган умиддамиз.

Дараклар

2 ОЙ ҚОР УЮМИ ОСТИДА

Швеция полициячилари 2 ой қор уюми остида машинаси билан қолиб кетган фуқарони қутқаришди. Бу ҳақда «France-Presse» агентлиги хабар тарқатди.

Маълум бўлишича, 45 ёшлардаги эркак киши ўтган йилнинг декабрь ойи ўрталарида қор уюми остида қолиб кетган. Унинг машинаси Умео шаҳри яқинидаги овлоқ жойдан топилди. Қорда юришга мослаштирилган машина ҳайдовчисининг тасодифан автомобилга кўзи тушади ва унинг ичида кимдир борлигини билгач, полицияга қўнғироқ қилади...

Исканжада қолганлиги сабаб ўз машинасини тарк этолмаган бу кимса 2 ой давомида фақат қор билан озиқланишга мажбур бўлган, деб тахмин қилинмоқда. Бу вақтда ҳаво ҳарорати -30 даража бўлган.

«Folkbladet.nu» сайтида берилган маълумотларда қайд этилишича, тиббиёт ходимлари бу камдан-кам учрайдиган ҳолат эканини таъкидлашган. Чунки одатда бундай вазиятда озиқ-овқатсиз 3 ҳафтадан кўп яшашнинг иложи йўқ.

Энди ҳаётга иккинчи бор қайтган бу одам аҳволи яхшиланган, нима бўлганини айтиб берса ажабмас.

ҒОЙИБИДАН ЕТКАЗИЛГАН ТОПИЛДИҚ

«eBAY» тармоғи орқали сотиб олинган сейфдан 26 минг АҚШ доллари чиқди. АҚШнинг Теннисси штатидаги Бартлетта шаҳрида яшовчи Жеймс Лабрек сейфни 122 доллар 93 центга сотган. Бу ҳақда WMC-TV хабар берди.

Лабрек сейфни сотувга чиқаришдан олдин уни чайқатиб кўрган ва ҳеч қандай товуш эшитмаган. «Мен сейфни бўм-бўш деб ўйлагандим», — дейди 15 йиллик тажрибага эга сотувчи.

Ҳозирда исм-шарифи сир сақланаётган харидорнинг ўзи Лабрекка сейфда 26 минг доллар бўлганини айтган. Лабрек унга пулни бўлишишни таклиф қилганида, харидор лото олдисотдиси қоидаларига кўра, «eBay»да сотилган буюм қайтариб олинмаслигини рўкач қилиб, унга рад жавобини берган.

ИШБИЛАРМОН ДОРБОЗ

«Sky News» нашрининг ёзишича, канадалик дорбоз Ник Валлендага Ниагара шаршараси бўйлаб тортилган пўлат арқон устидан юриб ўтиши учун рухсат берилди.

2011 йилнинг декабрь ойида дорбознинг шаршара бўйлаб юриб ўтишига Ниагара боғи комиссияси қаршилик кўрсатганди. Бироқ дорбоз кўзланган мақсади иш берса, бу жараённи томоша қилиш учун келган сайёҳлардан мўмайгина пул ишлаб олиш мумкинлигини тушунтирди. Шундан сўнггина раҳбарият томошани ўтказишга розилик билдирди.

Маълум бўлишича, сўнгги марта бундай томоша 1896 йили намойиш этилган.

50 МИНГ ДОЛЛАРЛИК ШАПАЛОҚ

Boxingscene.com сайти берган маълумотларга қараганда, Умумжаҳон боксчилар уюшмаси (WBC) Деррик Чисорнинг Виталий Кличко юзига туширган шапалоғини 50 минг АҚШ долларига баҳолади.

WBC президенти Хосе Сулаймоннинг сўзларига қараганда, бу «қип-қизил шармандалик» Чисорнинг спортга бўлган хурматсизлигини билдиради.

Германиянинг Мюнхен шаҳрида бўлиб ўтган жанг Виталий Кличконинг очколар бўйича ғалабаси билан якунланди. У WBC йўналиши бўйича ўта оғир вазнда чемпионлик камарини сақлаб қолди.

Белгиланган катта миқдордаги жарима эса муҳтожларга ёрдам тариқасида тарқатилади.

«CLEAN SPACE ONE» — КОИНОТ ЧИҚИНДИХЎРИ

Швейцариянинг Лозанна шаҳридаги федерал политехника мактаби олимлари орбитани коинот чиқиндиларидан тозалайдиган «Clean Space One» сунъий йўлдошини яратишга киришган.



Янги ишланма катта ҳажмдаги чиқиндиларни ҳам ўзининг манипуляторлари ёрдамида илиб олишга қодир. Чиқинди билан тўйинган сунъий йўлдош охир-оқибат атмосферанинг зич қатламида ёқиб юборилади. 2015-2017 йилларда орбитага чиқарилиши мўлжалланаётган сунъий йўлдош лойиҳаси 11 миллион АҚШ долларига баҳоланмоқда.

АҚШ стратегик қўмондонлиги берган маълумотларга кўра, коинотда ҳажми 10 сантиметрдан катта 19 мингта, 1 сантимертдан катта 600 мингта чиқинди мавжуд. Уларнинг ҳажми кичик бўлса-да, юқори тезлиги катта хавф туғдиради.

О.ОТАЁРОВ тайёрлади.

Шарҳ

Маънавият ва тарбия

масалаларига эътиборсизлик ҳар қандай давлат манфаатларини хавф остига қўйиб, охир-оқибат жамиятни таназзулга етаклайди

Мустақиллик ҳар қандай халқнинг олий мақсадидир. Истиқлол халқ ва миллатнинг ўз тақдирини ўзи ҳал этиш, истиқболини ўзи белгилаш, миллий давлатчиликни барпо этиш, ички ва ташқи сиёсатни дахлсиз олиб бориш, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган жамият қуриш имконини беради. Аммо шуни эътироф этиш керакки, мустақиллик йўли ҳеч бир мамлакатда равон кечмаган. Уни сақлаб қолиш ниҳоятда мураккаб ва машаққатли вазифа. Чунки дунёда ҳали ҳам кичик давлатларнинг эркини чеклашга қаратилган, уни аросатда қолдиришни кўзда тутган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружлар давом этаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Шубҳасиз, ана шундай жараёнларда маънавий тарбия масаласи муҳим ўрин тутади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бери Юртбошимиз раҳнамолигида маънавият ва маърифат, ёшлар тарбияси, миллий қадриятлар ва тарихни ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жаҳон миқёсида саводсизлар сони кун сайин ошиб бораётган, болалар ҳатто бошланғич таълим олиш имкониятидан маҳрум бўлаётган айрим давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури қабул қилиниб, улар асосида беқиёс кўламли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг таълим соҳасида эришган ютуқлари пойтахтимизда ўтган халқаро анжуманда ҳам эътироф этилгани фикримизнинг исботидир.

Бугун дунё ва атрофимизда кечаётган мураккаб жараёнлар, у ёки бу мамлакатда ирқчилик, миллатчилик, шовинистик, диний тоқатсизлик кўринишидаги жиноятларнинг ортиб бораётгани, алкоголь ичимликлар, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилаётган ёшлар сони кўпаяётгани маънавият ва тарбия масалаларига эътиборсизлик ҳар қандай давлат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини хавф остига қўйиши ва охир-оқибатда жамиятни таназзулга етаклаши мумкинлигини кўрсатмоқда. Тан олиш керак: жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарларида тилга олинаётганидек, глобал молиявий-иқтисодий муаммолар асносида бутун дунёда жиноятчилик кўлами ортиб бораётир. АҚШ, Европа, Осиё ва Африканинг қатор мамлакатларидаги нохуш манзаралар маънавият мавзуининг тобора долзарб аҳамият касб этаётганидан далолатдир. Шунинг учун ҳам Европадаги қатор мамлакатлар парламентлари депутатлари мактабни нафақат таълим, балки асосий тарбия масканига айлантириш учун таълим тўғрисидаги концепцияни қайта кўриб чиқиш, мактаб ва оилаларда ўзаро меҳр-муҳаббат ва аҳилликни шакллантиришга, оммавий ахборот воситаларида эса зўравонликни тарғиб этувчи чиқишларни тақиқлашга чақирмоқдалар.

Эътибор беринг: АҚШда 7,5 миллион нафар бола ва ўсмирнинг ота-онаси ҳаддан ташқари кўп алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиши аниқланган. Бу ушбу ёшдаги америкаликларнинг 10,5 фоизи деганидир. Энг ачинарлиси, бу болаларнинг 1,4 миллион нафарини фақат ё отаси, ё онаси тарбия қилмоқда. Психологлар ота-оналарнинг бундай хулқи болаларда ҳам алкоголга қарамликни юзага келтиришини айтиб огоҳлантиришмоқда.

Францияда юқори синф ўқувчиларининг 6 фоиздан кўпроғи мунтазам равишда гиёҳванд моддалар, 13 фоизи спиртли ичимликлар истеъмол қилади. Бундан-да аянчлиси, шаҳарлар кўчаларида одамлар кўнглига ғулғула ва қўрқув солиш билан шуғулланаётган ўсмирлар турли ноқонуний гуруҳларга уюшмоқдалар. Бунинг оқибатида ахлоқ тузатиш колонияларидаги ўсмирлар билан тўлибтошаётир. Экспертларнинг фикрича, маънавият соҳасида бўшлиқ пайдо бўлиши ва жиноятчилик кўламининг ошишида кейинги пайтларда ўз манфаатидан бошқани кўрмаётган, ёшлар тарбияси хусусида аниқ бир дастурга эга бўлмаган сиёсий партиялар ва ОАВни айбсиз, деб бўлмайди. Натижада Европанинг айрим давлатларида бундан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилаётган ўта миллатчи, фашистик кучлар сайловлар арафасида ўз позицияларини мустаҳкамлаб олмоқдалар. Бу эса Президентимизнинг: «Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлдими, ҳеч шубҳасиз, уни албатта кимдир тўлдиришга ҳаракат қилади» деган иборасининг қанчалар ҳақиқат эканини кўрсатади.

Афсуски, ана шу бўшлиқ ортидан бугун дунёнинг бир қатор мамлакатларида оила ва жамият ҳаёти жиддий хавф остида қолаётир. Мактаб ва университетларда қуролли ҳужумлар содир этилаётгани, катта шаҳарлар кўчаларида криминал унсурларнинг бемалол фаолият юритаётгани, шовинистик ва фашистик руҳдаги ташкилотлар аъзоларининг куппа-кундузи хорижликларни ўлдириб кетаётгани, эркак билан аёл ўртасида фарқ қолмаётгани, ёшларнинг фаҳшни тарғиб этадиган журналлардаги чиқишлари жамоатчиликни хавотирга солмоқда.

Маънавиятга етарли эътибор қаратилмагани боис Россияда ҳам худди шундай ҳолатлар юз бермоқда. Хусусан, тақирбошлар деб аталмиш миллатчилар хавфи бутун бошли мамлакат, айниқса, меҳнат муҳожирлари учун энг хатарли омилга айланди. Мамлакатдаги лоқайдлик, бепарволик, мафкуравий бўшлиқ оқибатида бўлар-бўлмас кинофильмлар ва одатлар қаровсиз қолган ёшлар онгини заҳарлашда давом этмоқда. Бу ерда ксенофобия замирида содир этилаётган юзлаб жиноятлар натижасида ҳалок бўлган ва жабланаётган кишиларнинг саноғига етиб бўлмай қолди.

Балоғат ёшига етмаганлар орасидаги жиноятчилик кўлами бўйича дунёнинг етакчи ўринларида бораётган мамлакатлардан яна бири — Буюк Британия-дир. Маълумотларга қарағанда, ҳар йили Бирлашган Қиролликдаги ҳар тўрт нафар ўқитувчининг бири ўқувчилар зўравонлиги қурбонига айланган. Натижада Англия ва Уэльсдаги педагоглар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳоллари ўртача 40 фоиздан ортган.

Бу — муаммонинг бир томони, холос. Айрим давлатларда тўлақонли оилани ҳимоя қилишдан кўра алоҳида шахсларга эътибор қаратиш, никоҳсиз яшовчилар сонининг кўпайишига нисбатан бефарқлик, бир жинслилар никоҳига қонунан рухсат берилиши (масалан, Голландияда), жамият ҳаётидан дин таъсирининг узоқлашуви сингари омиллар ўша мамлакатдаги миллат генофондига ва демографик жараёнларга салбий таъсир кўрсатмай қолмаяпти. Европа мамлакатларида аҳолининг қариб бораётгани, яъни туғилишнинг камайиши молиявий-иқтисодий инқироз пайтида ўзини яққол намоён этди. Бир қатор мамлакатларда пенсияга чиқиш ёшининг узайтирилиши фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Болалар зўравонлик саҳналари акс этган компьютер ўйинларига муккасидан кетишгани ҳам, мутахассислар айтишларича, жиноятчиликнинг ортишига олиб келмоқда. Норвегиялик олим, профессор Крэг Андерсон ўтказган тадқиқот ҳам виртуал оламда одам ўлдиришга одатланган ўсмир реал ҳаётда ўзини шунчалик хавфли тутишини исботлади. Руҳшуносларнинг фикрича, болада агрессивлик кайфиятини камайтириш учун кескин чораларга қўл уриш пайти келган. Акс ҳолда бир кишининг эркинлиги топталган жойда иккинчи кишининг эркинлиги барҳам топади, қабилидаги ғоя илгари сурилаётган давлатларда «фуқаролар хавфсизлиги» деган тушунча мавҳум бўлиб қолаверади. Бу ҳолат бир қатор олимларнинг Ғарб дунёси чуқур маънавий ва ахлоқий таназзулни бошидан кечираётгани, бу жамиятда иқтисодий тараққиётнинг секинлашуви баробарида жиноятчилик ва наркоманиянинг чуқур илдиз отаётгани туфайли яқин йилларда илм-фан ва техника тараққиёти Ғарбдан Шарққа кўчиши ҳақидаги башоратларини янада жонлантиргандек бўлди.

Таъкидлаш жоиз: мана шундай иллатларнинг урчишига сабаб бўлаётган омиллар хусусида олимлар ва таҳлилчиларнинг ўз қарашлари, фикр-мулоҳазалари бор. Биринчидан, барча халқлар учун қадрли бўлган инсонийлик ақидаларига мос келмайдиган турли бузғунчилик, ваҳшийлик, зўравонликлар тасвирга туширилган кинофильмлар, ОАВ ва интернет орқали тарғиб этилаётган «беҳаё саҳналар» жиноятчиликни хаспўслашга хизмат қилаяпти, холос. Бундай урфларни кўз-кўз қилиш ортида одамни фақат ҳайвоний нафс билан яшайдиган жонзотга айлантиришдек тубан мақсадларни кўзда тутаётган катта куч, хатарли мафкура борлигидан асло кўз юмиб бўлмайди. Шунинг учун ушбу муаммони кенг миқёсда, дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётига дахлдор масала сифатида ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Жаҳоннинг қайси бурчагида бўлмасин, маънавиятга қарши таҳдид пайдо бўладиган бўлса, ўзининг бугунги куни ва эртанги истиқболини ўйлаб яшайдиган ҳар бир онгли инсон, ҳар бир халқ ташвишга тушиши, унинг олдини олиш учун керакли чораларни кўриши шарт.

Хулоса ўрнида айтганда, бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли одамгина ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, ўз давлатининг жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин учун фидойилик кўрсатиши мумкин.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

Хориж матбуоти саҳифаларида

«The Washington Post» газетаси (АҚШ)

ЭРОН ЕВРОПАНИ ОГОҲЛАНТИРДИ

Ҳафта бошида Эрон ҳукумати Греция, Франция, Голландия, Италия, Испания ва Португалия каби Европанинг қатор давлатлари билан нефть сиёсатида алоқани узиш тўғрисида расмий огоҳлантириш эълон қилди. Кейинги йилларда шусиз ҳам оғир молиявий қийинчиликларни бошдан кечираётган Греция бундан энг кўп озор чекади, деб тахмин қилмоқда газета мухбири Майкл Бирнбаум.

Европа сиёсатчиларига маълумки, агар бойкот жорий йилнинг июль ойигача чўзиладиган бўлса, шубҳасиз, Греция жар ёқасига бориб қолади. Ҳозир молиявий таназзулни бошдан кечираётган бу мамлакат Эрондан бир кунда 100 минг баррелга яқин нефтни имтиёзли шаклда олаётган эди.

Лондон марказий энергетика иқтисодчиси Лео Дролласнинг таъкидлашича, Греция шу кунларда ўзи учун янги таъминотчи топиши зарур. Масалан, бу Саудия Арабистони бўлиши мумкин. Аммо «милт этган умид шўъласи»нинг ҳам греклар учун айрим муаммолари бордек. Дейлик, Саудия Арабистони уларга шартнома таклиф этиши мумкин, лекин унда «тўлов олдиндан амалга оширилади», деган банди бўлса-чи? Унда нима бўлади?..

Хуллас, европалик экспертлар Эрон ростдан пўписасини амалга оширишидан хавфсирашмоқда.

«Focus» Журнали (Германия)

«ЎЛИМ КОКТЕЙЛИ»

«Алкоголь ва дори препаратлари Майкл Жексон, Эми Уайнхаус ва Хита Лэжер ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнагани маълум», деб ёзади немис газетаси.

«Поп-мусиқа қироли» Майкл Жексон ҳаётига нуқта қўйган пропофол препаратидир, деган хулосага келишганди мутахассислар. Чунки унинг қони таркибида ушбу тинчлантирувчи препаратнинг ҳаддан ортиқ миқдори аниқланган. Марҳумнинг шахсий врачи, унинг вафотидан кейин 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган Конрад Мюррей шундай эътироф этади.

Ўшанда шифокорга эҳтиётсизлик ва бепарволик айби қўйилган эди. Энди эса врачлар яна бир «юлдуз» — Уитни Хьюстон ўлими сабабларига жавоб беришларига тўғри келади. Қўшиқчининг Беверли-Хиллздаги меҳмонхоналардан бирида топилган жасади ёнида баъзи препаратлар далилий ашё сифатида олиб кетилган эди. «Мунтазам равишда алкоголли ичимлик, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш ҳам қўшиқчи, ҳам актриса ҳаётининг «мазмуни»га айланиб улгурганди», — дея таъкидланади мақолада.

Эми Уайнхаусннинг жувонмарг тақдирида ҳам алкоголь таъсири ҳал қилувчи роль ўйнаган. Ўшанда бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлган, дея баҳоланган 27 ёшли хонимнинг қони таркибидан кўп миқдорда спирт топилган. Бундай «ўлим коктейли» билан боғлиқ мисолларни голливуд актрисаси Бриттани Мерфи, актёр Хита Лэжернинг тасодифий ўлимида ҳам учратиш мумкин.

«New Scientist» журнали (Буюк Британия)

ЭЧКИ БОЛАЛАРИНИНГ «ШЕВА»СИ

Яқинда журналда ғаройиб тадқиқот натижаси эълон қилинди. Унга кўра, эчки болалари янги туғилган «тенгдошлари» билан тил топишиш учун маърашнинг ажойиб усулини ўзлаштира олиши маълум бўлган. «Лондондаги Қиролича Мария университети олимлари 23 та улоқчада ўтказган тажриба таҳлиллари шундай хулосага келишга асос бўлди», — деб ёзади журналист Энди Коглэн.

Тадқиқотчилар бир ҳафталик улоқчаларнинг маърашини ёзиб олишди. Сўнгра уларни тўрт гуруҳга бўлиб, бир-биридан ажратиб қўйдилар. Эчки болалари 5 ҳафталик бўлганида эса уларнинг маъраши қайта ёзиб олинди. Қизиғи, иккинчи овоз ёзиш жараёнида ҳар бир гуруҳ «вакиллари»нинг ўзига хос «шева»си пайдо бўлгани аниқланган. «Бу ҳайратомуз кашфиёт бўлди. Шу кунгача аксарият ҳайвонларнинг товуши жуда содда бўлиб, улар деярли маъно касб этмайди, шунчаки эҳтиёж деб ҳисобланган», — давом этади мақола муаллифи.

Мақола сўнггида тадқиқотчилардан бири Алан Макэллиготтнинг шундай фикри ўрин олган: «Агар эчки болаларидан бошқа сут эмизувчилар ва туёқлиларда ҳам ана шундай хусусият кузатилса, асло ҳайратланмас эдим».

«The New York Times» газетаси (АҚШ)

ЖУРНАЛИСТНИНГ СИРЛИ ЎЛИМИ

Газетанинг навбатдаги сонида ўтган ҳафта Сурияда халқаро миқёсдаги энг обрўли журналист, «The New York Times» газетаси мухбири Энтони Шадид ҳаётига уюштирилган суиқасд ҳақида тафсилот эълон қилинган. «Шадид араб тилида бемалол сўзлаша оларди. У бутун араб дунёсини кезиб чиқиб, маҳаллий халқ маданиятини, урф-одатларини яхши ўрганган, энг хавфли вазиятларда ҳам жонини гаровга қўйиб репортажлар тайёрлар эди», — дейилади мақолада.

Газетанинг маълум қилишича, журналист Шадид ва фотомухбир Тайлер Хикс ўтган ҳафта Сурияда хизмат сафарида бўлишган. Маҳаллий ҳокимият эса бу ҳудудга «The New York Times» мухбирларининг ташрифини тақиқлаб қўйган эди. «Мухбирлар чегарани тунда кесиб ўтишган. Уларни бу ерда отлиқ кузатувчилар кутиб олишган. Тахминимизча, отда юриш Шадиднинг астма касаллигининг зўрайишига сабаб бўлган», — деб ёзилади мақолада. Қайтишда эса касаллик янада зўрайган. «Мен унинг ёнида эдим. «Ўзингни қандай ҳис этаяпсан?» — деб сўрадим. У жавоб бериш ўрнига бирдан ерга йиқилди», — дейди Хикс. Фотомухбир иложсиз қолади ва ҳамкасбининг жасадини чегара орқали Туркияга олиб ўтади.

У.АСРОРОВ тайёрлади.

Кашфиёт

Илм толибларига имконият

Тарихдан маълумки, илк ёзувлар, китоблар сопол идишларга битилган. Кейинчалик китоблар папирус ва тошга ёзилган. Қоғознинг яратилиши матбаачилик тарихида янги босқични бошлаб берди. Ўрта асрларда китобларнинг қўлёзма нусхалари кўпайиб борди ва бу, ўз навбатида, хаттотлик санъатини юзага келтирди. XV асрга келиб немис ихтирочиси Иоган Гуттенберг томонидан босма нашрларнинг кашф этилиши китобнинг янада оммалашишига олиб келди. Бу кашфиёт инсониятга самарали хизмат қилган бўлса-да, ҳозирги ахборот асрига келиб техника тараққиёти боис босма китоб ўрнини электрон китоблар эгалламоқда.



Электрон китобларнинг илк нусхаси 1971 йили АҚШлик олим Майкл Харт томонидан яратилган. Лекин у мукаммал эмас эди. 1998 йилга келиб хориж компаниялари — "NuvoMedia" ва "Softbook Press" бунинг устида иш олиб борди. 2007-2011 йилларда эса электрон китобларнинг сўнгги нусхалари ишлаб чиқарилди. Улар шаклан худди китоб кўринишида бўлиб, фақат қоғозсиздир. Хорижлик мутахассисларнинг фикрича, электрон китобларнинг келажаги порлоқ. Бу китоб бошқа ускуналар, масалан, айфон, смартфон, планшит, айпатлардек ўзидан ёруғлик чиқармайди. Уни худди оддий китобни мутолаа қилгандек, фақат ёруғликда ўқиш мумкин.

Электрон китобга бир неча дастур жойлаштирилган бўлиб, унинг ёрдамида мусиқа эшитиш, ўйин ўйнаш, мультимедия тизимида расмлар, клиплар кўриш имкони мавжуд. Энг муҳими, унинг хотирасига минглаб китобларни, ҳатто бутун бошли кутубхонадаги асарларни жойлаштириш мумкин. Яна бир қулайлиги, хорижда чоп этилган янги китобларнинг электрон нусхасини интернет орқали ўзининг хотирасига жойлаб олиш имконига эга. Шу билан бирга, мактаб, боғча ёшидаги болалар учун ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш ҳам самарали кечади. Чунки мисолларни электрон "қоғозлар"да тушунтириш осон. Масалан, ҳайвонлар тўғрисида гапирилганда китобда уларнинг жонли ҳаракатлари намоён бўлади.

Яна бир қулайлиги шундаки, экран рангини қора, кулранг қилиш, ҳарфлар шрифтини ўзгартириш, матн қидирувини амалга ошириш мумкин. Биргина матн қидирувнинг ўзи китобхоннинг бир қанча мушкулини осонлаштиради. Дейлик, энциклопедия китобидан бир вилоят ҳақида маълумот қидирилса, 12 томни титкилаб чиқишга тўғри келади. Агар сизда электрон нусхаси бўлса, қидирув орқали ўша вилоят ҳақидаги барча маълумотлар экранда намоён бўлади. Китоблар кичкина ва қулай бўлгани учун дуч келган жойда ўқиш, бирор нарсани ёзиш, таҳрир қилишнинг иложи бор.

Электрон китоб ҳам бошқа электрон воситалар — ноутбук ёки мобиль телефон сингари зарядланади ва заряди ишлатилишга қараб бир ҳафтагача етиши мумкин. Бу ускуналар ўта нозик, қўлингиздан тушиб кетса, қаттиқ шикастланса ёки вирус тушса бузилиб қолади. Бундай ҳолат рўй берса, унинг хотирасига жойланган маълумотлар ўчиб кетади. Электрон китобни сотиб олишда уч ойдан ўн йилгача кафолат берилсада, лекин юқоридаги ҳар хил сабаблар каби эҳтиётсизлик қилинса, тезда ишдан чиқиши мумкин.

Электрон китобнинг ҳаётимизга кириб келиши табиий равишда қоғозга бўлган талабни сусайтиради. Мутахассисларнинг фикрича, қоғозга эҳтиёжнинг пасайиши ўрмонлар кесилишининг олдини олади. Бу эса ўз навбатида, экологияни яхшилашга хизмат қилади. Бир пайтлар тонналаб қоғозлар китобга айланган бўлса, энди бунга ҳожат қолмайдиган кўринади.

Яқин кунларда юртимиздаги барча нарсага қизиқувчи ёшларимиз қўлида ҳам оммавий тарзда электрон китобларни кўриб қолсак, ажабмас. Улар фақат бу имкониятлардан тўғри фойдаланишса бўлгани. Дурадгор уста қўлидаги болта — бунёдкорлик қуроли, жиноятчи қўлидагиси эса — жиноят сабабчиси. Шундай экан, болтани ишлаб чиқаришни ва ундан фойдаланишни чеклаб бўлмагани каби тараққиётининг маҳсули бўлмиш электрон китобдан ҳам тўғри фойдаланиш ҳар кимнинг ўз қўлида.

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

Молиявий кўмак — ривожланиш асоси

AGROBANK

Президентимиз Ислом Каримов 12 январь куни 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисдаги маърузасида **«Мамлакатимиз молия-банк тизимида содир бўлаётган ижобий ўзгаришларни мамнуният билан қайд этмоқчиман. 2011 йилда банкларнинг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди»** дея алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Буни «Агробанк» ОАТБнинг Сирдарё вилояти бошқармаси фаолиятида ҳам яққол кўриш мумкин. Масалан, бошқарманинг капиталлашув даражаси олдинги йилларга нисбатан 2,2 баробар кўпайишига эришилди. Банкнинг ресурс базаси ўсиб, юридик ҳамда жисмоний шахслардан жалб этилган депозитлар миқдори ўтган йилга нисбатан 27 фоизга ошди. Бу эса, ўз навбатида, вилоят иқтисодиёт тармоқларига инвестиция киритиш, яъни, кредитлар ажратиш ҳисобидан тараққиётимизни таъминлаш учун ички имкониятларимиз тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Рақамларга чизгилар.

■ Банк вилоят бошқармаси томонидан 2011 йилда 100 миллиард 875 миллион сўм (ёки ўтган даврга нисбатан 130 фоиз кўп) кредитлар йўналтирилди.

■ Ажратилган кредитлардан 27 миллиард 774 миллион сўм саноат корхоналарига, 53 миллиард 174 миллион сўми қишлоқ хўжалик корхоналарига, 117 миллион сўми қурилиш соҳасига, 2 миллиард 773 миллион сўми савдо, хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш корхоналарига, 10 миллиард 688 миллион сўми моддий-техника таъминотига ва қолган қисми халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари улушига тўғри келди.

■ *Филиаллар ажратган кредитлар эвазига халқ хўжалиги тармоқларида 2900 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.*

Ўтган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили бошқарма томонидан кичик бизнес субъектларига бевосита ишлаб чиқаришни ривожлантириш, шунингдек, юқори сифатли импортбоп ва экспорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш борасида кўплаб самарали лойиҳалар молиялаштирилди.

Банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаштириш манбалари хисобидан ажратилган кредитлар миқдори 20 миллиард 463 миллион сўмни ташкил қилиб, ўрнатилган режа ортиғи билан бажарилди.

Жумладан, Гулистон туманидаги «Юлдузхон Бокирхон боғи» фермер хўжалиги, Гулистон шаҳридаги «Азамат Гулистон Сервис» хусусий корхонаси, Оқолтин туманидаги «Сардоба мевалари» фермер хўжалиги, Сирдарё туманидаги «Геометан газ» МЧЖ, «Газалли бобо Бекиров» фермер хўжалиги, «Зиё нур шуъласи» хусусий корхонаси сингари субъектлар банкдан олган кредитлари эвазига ишлаб чиқаришларини кенгайтириб қисқа фурсат ичидаёқ иқтисодий самара кўрдилар. Шу ўринда кўплаб қишлоқ ёшлари иш билан таъминландилар.

Кўриниб турибдики, ОАТБ «Агробанк» Сирдарё вилояти бошқармаси томонидан вилоят халқ хўжалиги тармоқларига берилаётган молиявий кўмак — иқтисодий тараққиётга асос бўлмоқда.

Ислом СУЛТОНОВ,
«Hurriyat» мухбири



Реклама ўрнида

2012 йил – Мустаҳкам оила йили

Оилалар фаровонлиги учун янги хизмат турлари

MIKROKREDITBANK

- **Илм ва ҳунар ўрганиш учун сармоялар**
- **Тўйларни ўтказиш борасида банк билан ҳамкорлик**
- **Томорқалар — даромад манбаи**
- **Қуёш батареялари учун кредитлар**

Банкларимиз ўзларининг аҳоли учун таклиф этаётган маҳсулотлари – яратаётган замонавий хизматлари билан мамлакатимиздаги яратувчиликни, фаровонликни барқарор этиш жараёнига катта ҳисса қўшмоқда. Бугунги кунда бундай хизмат турлари халқаро молиявий ташкилотларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Жумладан, "Микрокредитбанк"га ижтимоий йўналишлардаги "MikroFinanzaRating" компанияси (Италия) халқаро қабул этилган "SBB" меъёрларига мувофиқ "Амалда ўз мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш ва зиммасига юклатилган ижтимоий вазифаларни самарали бажариш борасида етарли қобилиятга эга, ўз ижтимоий мақсадларига эришиш эҳтимоллиги юқори бўлган банк" деган ижтимоий рейтинг тақдим этди.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг ташаббуси ва 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони асосида иш бошлаган мазкур молиявий ташкилотнинг мамлакатимизнинг молиявий бозоридаги ўрни йилдан-йилга аниқроқ сезилиб бормоқда. Бундай эътиборга республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни микромолиялашга ва шу соҳани молиявий қўллаб-қувватлашга ихтисослашган "Микрокредитбанк" аввало мавжуд маҳаллалардаги ва олис қишлоқ, овуллардаги барча оилалар даврасига кириб бора олгани билан эришди. Умуман, банк қўлга киритаётган ютуқларнинг муҳим омилларидан бири — унинг аҳолининг турли қатламлари билан қилаётган самарали ҳамкорлигидир. Банкнинг кичик ҳажмдаги, аммо фоизлари паст, қулай муддатларга мўлжалланган микрокредитлари ҳар бир хонадон учун ишончли даромад манбаига айланмоқда. Шунинг учун ҳам банк фаолияти ижтимоий аҳамият касб эта олди.

Масалан, тадбиркор аёллар банкнинг энг фаол ҳамкорлари ҳисобланади. Тадбиркор ёшлар билан ҳам банк ана шундай самарали мулоқотлар олиб бормоқда. Ўтган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида банк тадбиркор аёллар учун 26,1 миллиард сўм, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун 21,7 миллиард сўм миқдорида микросармоялар ажратди. Натижада, аёллар — уй бекалари фарзандлари тарбияси билан бир қаторда касаначилик сингари қулай меҳнат воситасидан фойдаланиб, оила учун даромад манбалари яратдилар. Шу каби, ёшлар ҳам коллежни битириши билан ўзларининг тадбиркорлик фаолиятини бошлаб, оиласи ободлиги ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Банк ташкил этилганидан буён аҳолига барча турдаги замонавий хизматлар қилиш билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 824,3 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратди. Жумладан 503,2 миллиард сўм миқдорида микромолиявий хизматлар кўрсатди. Мазкур сармояларнинг асосий қисми аҳоли учун ҳаётий зарур бўлган товарлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда. Айниқса, эл фаровонлигини барқарор этиш учун зарур бўлган чорвачилик, иссиқхоналар ташкил этиш, балиқчилик, асаларичилик, паррандачилик, қандолатчилик сингари соҳалар билан шуғулланаётган мижозлар банкнинг кредитларидан самарали фойдаланмоқдалар. Мазкур сармоялар эвазига республикамизда 420 мингта янги иш ўринлари яратилди.

2012 йилнинг Мустаҳкам оила йили деб эълон қилиниши банк зиммасига яна ҳам катта масъулият ва вазифалар юклади. Амалга оширилаётган ишлар кўлами ва мазмун-моҳияти янада кенгайди.

Шу кунларда банк ўзининг "Оила фаровонлиги учун" деб номланган хизматлар пакети (мажмуаси)ни тақдим этмоқда. Банкнинг мазкур янги маҳсулотлари жисмоний шахсларга мўлжалланган бўлиб, оила учун ҳар томонлама қулайликлар, имкониятлар яратиш, оила фарзандларининг замонавий инсонлар бўлиб улғайишларига кўмаклашиш, оила даромадларини кўпайтиришга хизмат қилади.

Банкнинг янги хизмат турларидан бири — "Келажак учун интеллектуал сармоялар" деб аталади.

Бундай кредитлар кимларга аталган ва кимларга берилиши мумкин? Аввало шуни айтиш керакки, кредитнинг мазкур туридан шу даврнинг ўзида фойда кутиш мумкин эмас. Чунки ушбу сармоя болаларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга йўналтирилган. Кредит боланинг ота-оналари ва яқин қариндошларига уларнинг олий ўқув юртларига киришга тайёргарлик кўришлари, ўқув марказларида билим олишлари, чет тилларини ҳамда компьютер саводхонлигини ўрганишлари, спорт билан шуғулланиш ва касб-ҳунар ўрганишлари борасида уларга кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш учун берилади. Ушбу кредитлар энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорида, бир ярим йил муддатга мўлжалланган.

Қишлоқда истиқомат қилаётган аҳоли учун томорқа хўжалиги муҳим даромад манбаи ҳисобланади. Томорқа эгаларига иссиқхоналар ташкил этиш, ерга ишлов бериш, уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш учун ҳам ана шундай сармоялар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Миллий ҳунармандчилик халқимиз орасида ривожланиб, сайқал топиб келади. Бу сингари мураккаб ва нафис санъат, аксарият оилавий шароитда яратилади ва авлоддан-авлодга ўтади. Банк оилавий ҳунармандчиликни ҳам ўзининг қулай сармоялари билан қўллаб қувватламоқда.

Халқимизнинг удумларию тўй-тантаналари бисёр. Айниқса, ёшларнинг никоҳ тўйлари оилалар учун катта обрў-эътибор ҳисобланади. "Микрокредитбанк" бундай тўйларни ўтказиш учун ҳам сармоялар ажратмоқда.

— Замонавий хизмат турлари билан маҳаллалардаги оилаларнинг барча эҳтиёжларини қамраб олишга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди банкнинг Кредитлаш департаменти раҳбари Хайрулла Сатторов. — Шу кунларда аҳоли учун ғоят катта қулайликлар яратадиган қуёш батареялари учун кредитларни ташкил этиш устида иш олиб бормоқдамиз. Қуёшли юртимизда бундай батареялардан фойдаланган ҳар бир хонадонда кечаю кундуз электр чироқлари чарақлаб туриши, телевизор, компьютер ва бошқа электр асбоблари узлуксиз ишлаши мумкин. Қуёш батареяларидан аҳоли пунктларидан узоқ йўллар — трассалар бўйидаги ёқилғи қуйиш, хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш шохобчаларида бемалол фойдаланиш мумкин. Бундай хизматнинг нархи кўпчиликни қизиқтиради, албатта. Дейлик 10,5 миллион сўм миқдордаги кредит ҳисобига жиҳозланган қуёш батареяси хонадонни иситиш ва совутишдан тортиб электр қувватига бўлган барча эҳтиёжларни қондира олади. Оила учун текин электр қуввати яратиб берадиган республикамизда ишлаб чиқарилган ушбу жиҳозлар хизмат кўрсатувчи корхона томонидан 15 йилга кафолатланади. Банкимизнинг бу каби хизмати кўплаб оилалар учун чинакам қулайликлар ярата олади.

Бир сўз билан айтганда банк бугунги кунда нафақат республика, балки халқаро миқёсда ишончли микромолиявий мауассаса сифатида тан олинди. Истиқболни кўзлаб амалга ошираётган ишлари туфайли "Микрокредитбанк" Бутунжаҳон микромолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви — "MIX-MARKET" агентлиги ҳисоботларига кўра, Марказий Осий ва Европадаги микрокредитлар бериш йўналишида йириклиги бўйича жаҳоннинг энг яхши 100 банки сафига кирди ҳамда 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида эътироф этилди.

Иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилаётган мамлакатимизда Президентимиз таъкидлаганидек, "жамиятнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оиланинг аҳамиятини юксалтириш, ҳар бир оиланинг моддий фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан эътибор ва ғамхўрлик кучайтирилиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди". Бундай муҳим вазифа банклар фаолиятида янада долзарб ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Рашид РАУПОВ

Жаҳон адиблари ҳаётидан

КИЧКИНА ОДАМНИНГ УЛКАН ҚАЛБИ

Атоқли адиб Асқад Мухторнинг сўнгги асари — «Уйқу қочганда» номли тундаликларида шундай сатрлар бор: «...ушалмайдиган орзу яхши, унинг айби ҳам йўқ, жавобгарлиги ҳам йўқ, дилингни аллалаб яшайверади. Аммо ушаладиган орзулар кўпинча алам билан тугайди. Сен доҳиёна шоир бўлолмасанг, бу — бир нав, ўтар-кетар, лекин кўнгил қўйганинг қўшни қиз эрга чиқиб кетса, бир умр куясан...»

Дарҳақиқат, орзулар сарҳадсиз ва бепоён. Улар ушаладими, йўқми, бу тақдирнинг ҳукмида. «Қисматнинг арзандаси, худо сийлаган банда»си, америкалик машҳур ёзувчи Уильям Фолкнернинг барча ушалган орзуларига ўша «ушаладиган орзулар» етакламадимикан, деб ўйлаб қоласан киши. Ёки...



1897 йилнинг 25 сентябрида АҚШнинг Миссисипи штатидаги Нью-Олбани шаҳарчасида зиёли оилада дунёга келган Уилямнинг отаси бир неча йиллар университетда иш бошқарувчи вазифасида хизмат қилган. Бобоси эса яхшигина ёзувчи бўлган. Унинг асарларидан салмоқлиси сифатида «Мемфиснинг оқ атиргули» романини тилга олиш мумкин. Дарвоқе, бўлғувси адибнинг онаси ҳам адабиёт шайдоси эди. Зеро, болакай Фолкнер дастлабки саводини айнан онасидан олганди. Юқоридаги омилларни назарда тутган ҳолда Уильямнинг ёзувчи бўлиб шаклланишида унинг оилавий муҳити жиддий таъсир ўтказган, дейишимиз мумкин. Бир қарашда бу шубҳасиздек туюлади. Бироқ...

Уильям 13 ёшида Эстелл Олдхэм исмли қўшни қизни севиб қолди. Муҳаббатнинг учқунлари «қоғозларни ёндирди». Уильям севгиси, туйғулари ва хаёллари аксини қоғозга тушира бошлади. Самимият билан суғорилган шеърлари уни атрофдагилар назарига туширди. Шунданг сўнг «шоир» мактабга бормай, бобосининг ёнида, банкда ишлай бошлади. Йиллар кетидан йиллар ўтди. Уильям ўзининг «жўшқин лирика»си билан «ҳаммани йиғлатди, қиз эса фақат бепарво жилмайиб ўтди ёнидан». Ва охир-оқибат у севгилисига етиша олмади, Эстелл 1918 йили «ағёр»га турмушга чиқиб кетди.

Уильям аламидан кўнгилли бўлиб армияга кетмоқчи бўлди, бироқ бўйи пастлиги учун уни олишмади. Йел университетида ўқиётган дўстининг уйига бориб яшай бошлади ва ўша ерда Канаданинг ҳарбий ҳаво кучлари таркибига киришга уриниб кўрди. Йўқ, бу гал унинг озғинлиги халал берди. Бироқ қайсар «пакана» ортга чекинмади. Ҳаракатдан тўхтамади ва алал-оқибат Торонтодаги ҳарбий мактабга жойлашишга муваффақ бўлди. Бир неча ойдан сўнг биринчи жаҳон уруши якунига етгач, Фолкнер Оксфордга қайтиб, Миссисипи университетида ўқий бошлади.

1919 йилда чоп этилган «Фавннинг кундузги уйқуси» шеъри Фолкнернинг адабий фаолиятга томон босган биринчи қадами бўлди. Бир йилдан кейин дипломни ҳам қўлга киритмай, университетдан кетди, романнавис ва театршунос Старк Янг таклифига кўра Нью-Йоркка жўнади. У ерда китоб дўконида сотувчилик қилди. Кейин Оксфордга қайтиб, университетда почтачи вазифасида ишлай бошлади. Бироқ собиқ китобфуруш иш вақтида китоб ўқиб ўтиргани учун ишдан ҳайдалди. 1925 йили Нью-Орлеанга келиб, ёзувчи Шервуд Андерсон билан танишди. Унинг иқтидоридан хабар топган Андерсон «шоир»га назмда эмас, насрда ижод қилишни маслаҳат берди. Чунки Фолкнер шеър техникаси, илми, маҳорати ва тажрибасига эга бўлса-да, шеърлари унга машҳурлик остонасидан ҳатлашга умуман кўмаклаша олмаётган эди. Унинг шеърларида ҳамма нарса бор, «фақат бироргина камчилик етишмасди» (А. Мухтор. «Тундаликлар»дан), холос.

Фолкнер шундан сўнг роман ёза бошлади. 4 йилда 3 та романи босилди: «Аскар мукофоти», «Чивинлар», «Сарторис». Аммо учаласи ҳам муваффақият қозона олмади. «Шовқин ва ғазаб»гина (1929 йил) танқидчилар эътиборини ўзига тортди. Мазкур роман ўзига хос услубда ёзилганди. Асардаги ҳар битта воқеа турли нуқтаи назардан туриб ёритилгани билан диққатга сазовор эди. Асарни ўрганиб чиққач, мунаққидлар бир овоздан уни «улуғ роман» дейишди.

Электр станциясидаги тунги иш вақтларида, 6 ҳафта ичида ёзиб тугатгани «Ўлим тўшагида» (1930 йил) романи эса муваффақиятсиз чиқди. Шундан кейин «Шундай нарса ёзайки, — дея аҳд қилди Фолкнер, — ундан даҳшатлиси бўлмасин!» Орадан 3 ҳафта ўтиб, «Ибодатхона» асарини ёзиб тугатди. 1931 йили чоп эттирди. Романда гангстер томонидан зўрланган аёлнинг фоҳишахонадан бошпана топиши воқеалари тасвирланган. Китоб «бестселлер» (энг кўп сотилган) бўлиб кетди.

Фолкнер асарлари француз тилига ўгирилгач, Европада жуда машҳур ёзувчига айланди. Уни севиб ўқишар, муҳокама қилишар ва қойил қолганликлари ҳақида тўлқинланиб гапиришарди. Адиб 1949 йили Нобель мукофотига лойиқ деб топилди. Мукофотни топшириш маросимида сўзлаган нутқида ёзувчилик тўғрисида сўз юритаркан, у шундай деганди: «Ёзувчи ўз «устахонаси»дан юрак ҳақиқати, асарни мангуликка дохил этувчи муҳаббат, ор-номус, мурувват, ғурур, раҳм-шафқат, фидойилик сингари азалий-абадий қадриятлардан бўлак ҳаммасини итқитиб ташламоғи лозим...»

Дарҳақиқат, Уильям Фолкнернинг кичик жуссасидаги катта юраги мурувватга, шафқатга, ғурурга, муҳаббатга тўла эди. Заминга, борлиққа, ҳаётга, инсонга, ўлмас умумбашарий қадриятларга муҳаббат, онасига, аёлга бўлган улкан муҳаббат... Ва Эстелл Олдхэмга бўлган, хотироти мулкига айланиб қолган ўша севгиси! Адибнинг «Қора мусиқа» ҳикояси якунида шундай сатрларга кўзингиз тушади: «...хотинлар ўз номи билан хотинлар. Баъзан уларни эркалаб қўйиш керак. Улар шунга арзийдилар».

Мансур ЖУМАЕВ

Реклама ўрнида

«АСАКА» ДАВЛАТ – АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ (ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ)

«Асака» банки (ОАЖ)

Республикамизда 2012 йил — “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида

“ЭНГ ЯХШИ ТАДБИРКОР АЁЛ ЛОЙИҲАСИ”

ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловнинг асосий шартлари ва талаблари

1	**Танлов иштирокчиси:**	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари бўлган тадбиркор аёллар.
2	**Лойиҳа қиймати:**	50 000 АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда (Марказий банк курси бўйича миллий валюта эквивалентида).
3	**Лойиҳани амалга ошириш муддати:**	5 йилгача
4	**Лойиҳага қўйилган асосий шартлар:**	— лойиҳа ташаббускорининг ўз маблағлари билан иштироки — лойиҳа қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда;
		— банк талабларига жавоб берадиган ҳар қандай ликвид таъминот турлари, жумладан, кредит ҳисобига сотиб олинадиган асбоб-ускуналар, кредит суммасининг 125 % дан кам бўлмаган миқдорда;
		— ишлаб чиқариш соҳасидаги “Энг яхши тадбиркор аёл лойиҳаси” бўйича камида 5 та янги иш ўрни яратилиши ва бир йиллик тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 100 миллион сўмдан кам бўлмаслик;
		— хизмат кўрсатиш соҳасидаги “Энг яхши тадбиркор аёл лойиҳаси” бўйича — камида 3 та янги иш ўрни яратилиши ва бир йиллик хизмат кўрсатиш ҳажми 50 миллион сўмдан кам бўлмаслик.
5	**Лойиҳани баҳолаш мезонлари:**	Ички истеъмол бозорни сифатли ва рақобатбардош озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга, шунингдек, янги хизмат турларини жорий этишга қаратилган лойиҳалар устуворликка эга бўлади.
6	**Танлов ғолибларига имтиёзлар:**	Лойиҳа имтиёзли фоиз ставкалари асосида молиялаштирилади ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.
7	**Лойиҳани тақдим этиш:**	“Асака” банкнинг жойлардаги барча филиалларига
8	**Ҳужжатларни тақдим этиш муддати:**	2012 йил 1 мартга қадар
8	**Танлов ғолибларини эълон қилиш муддати:**	2012 йил 15 мартгача

“Асака” банк — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!

“Асака” банк (ОАЖ) филиаллари кредит бўлимларининг телефон рақамлари:

Филиаллар номи	Телефон рақамлари	Филиаллар номи	Телефон рақамлари
Қорақалпоғистон филиали	*8-361-223-88-78*	*Сирдарё вилоят филиали*	*8-367-225-28-61*
Андижон вилоят филиали	*8-374-224-56-98*	Тошкент вилоят филиали	8-371-120-84-04
Асака филиали	8-374-233-35-05	*Фарғона вилоят филиали*	*8-373-224-72-14*
Фарҳод филиали	*8-374-226-96-93*	Марғилон филиали	8-373-237-60-71
Бухоро вилоят филиали	8-365-223-11-15	*Олтиариқ филиали*	*8-373-432-19-80*
Бухоро шаҳар филиали	*8-365-224-63-05*	Қўқон филиали	8-373-552-61-01
Қашқадарё вилоят филиали	8-375-221-15-38	*Хоразм вилоят филиали*	*8-362-226-96-03*
Навоий вилоят филиали	*8-436-770-21-28*	Тошкент шаҳар филиали	8-371-120-83-00
Зарафшон филиали	8-436-573-18-80	*Автотранспорт филиали*	*8-371-120-39-01*
Наманган вилоят филиали	*8-369-226-91-45*	Шайхонтоҳур филиали	8-371-140-39-04
Самарқанд вилоят филиали	8-366-231-19-36	*Юнусобод филиали*	*8-371-225-16-33*
Афросиёб филиали	*8-366-234-18-12*	Сирғали филиали	8-371-257-87-55
Сурхондарё вилоят филиали	8-376-227-35-85	*Жиззах вилоят филиали*	*8-372-226-34-90*

Реклама ўрнида

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» масъулияти чекланган жамияти 2012 йил 23 март куни очиқ аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 30-уйда жойлашган «Ўзбекистон» нашриётматбаа ижодий уйи балансидаги 1991й. и\ч, д\р 10AW058, бошланғич нархи **4 886 357.82** сўм бўлган «ЗИЛ 431410» ва Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Аҳмад Дониш кўчаси, 72 А-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги «Баркамол авлод» республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази балансидаги 1997й. и\ч, д\р 01/480RBA, бошланғич нархи **3 606 877.27** сўм бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10-00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000104932833002 хисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

— аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада;

— закалат тўланганини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;

— ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Буюртмалар аукцион ўтказиладиган куйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй. Маълумотлар кўрсатилган ушбу манзилдан олиниши мумкин.

Алоқа телефони (+998 93) 388-6996, электрон почта tkos-mail@inbox.ru

Аттор асарларининг ўзбекча жаранги

Таржима санъати

Соҳир сўз санъаткори Фаридуддин Аттор номи ва асарлари қадимдан ўзбек халқи орасида маълум ва машҳур. Атоию Навоийдан тортиб Фурқатгача — барча мумтоз шоирлар ижод йўлида уни ўзларига устоз деб билганлар, ундан маҳорат сабоғини олганлар. Лекин дин, унга қўшиб тасаввуф ҳам қораланган шўро даврида мутасаввиф шоирнинг ҳаёти ва ижоди бўйича ўзбек адабиётшунослигида бирор-бир тадқиқот олиб борилмади, унинг ҳар бири тасаввуф таълимотининг бир назмий дастури бўлган суфиёна асарлари мутолааси ва таржимасига ҳам йўл берилмади. Истиқлол берган имкониятлар туфайли Ўзбекистон халқ шоири, серқирра ва сермаҳсул мутаржим Жамол Камол адабиётимиздаги ана шу бўшлиқни тўлдирди — тариқат ва шеъриятни ўзида ажойиб бир тарзда омухта этган авлиё шоирнинг ўзбек ўқувчилари неча ўн йиллар давомида орзиқиб кутган "Мантиқ-ут-тайр", "Илоҳийнома" ва "Асрорнома" асарларини қисқа бир фурсатда катта завқу шавқ билан таржима қилиб, мухлислар кўнглидаги бу маънавий ташналикни ҳадди аълосида қондирди.

Буюк шоиру адибларнинг бир оҳанрабоси бўлади. Уларнинг ижод бўстонига бир кирган мухлис ундан чиқолмай, асарлари таржимасига қўл урган мутаржим ундан ажралолмай қолади. Бутун умр бир ижодкор асарларини таржима қилиб ўтган таржимонлар фаолияти бунинг ёрқин намунасидир. Албатта, Жамол Камол Румий, Шекспир каби Шарқу Ғарбнинг кўплаб машҳур адибларининг дурдона асарларини ватан адабиётининг бебаҳо мулкига айлантирган — ижодий салоҳияти ҳар томонлама кенг, қаламининг қудрати бўйига ҳам, энига ҳам чеку чегарани билмайдиган забардаст ва моҳир таржимон. Энди у Фаридуддин Аттор асарлари таржимасидан яхлит бир гулдаста яратиш иштиёқида ёниб, бу машаққатли ва хайрли ишга астойдил бел боғлаган. "Панднома" ва "Булбулнома" достонлари таржимаси бу йўлдаги навбатдаги қадамдир. Айни кунларда у шоирнинг "Жавҳару-з-зот" ва "Уштурнома" асарларини таржима қилиш иштиёқи ила яшаяпти.

Одоб-ахлоқ мавзуидаги "Панднома" асари содда тили, равон услуби, лўнда ва қайроқи ҳаётий ҳикматларга бойлиги туфайли қадимдан илму адаб аҳли ўртасида машҳур бўлиб, асрлар давомида мактаблар дастуридан мустаҳкам ўрин олиб келган. Ҳинд ва туркий тилларгагина эмас, лотин, немис ва француз тилларига ҳам таржима қилинган. Қатор турк олимлари асарга шарҳлар битганлар. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академия Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида 11 та нусхаси мавжудлиги, унинг ўзбек халқи орасида ҳам кенг тарқалганлигидан гувоҳлик беради.

Машҳур немис адиби ва мутафаккири И.В.Гёте ижод жараёнини соддалик, мураккаблик ва яна соддалик тарзида учга бўлган эди. Кейинги соддалик сўз санъатида муайян маҳорат ва тажриба ҳосил қилган адиб ўзининг теран фикрлари, мураккаб фалсафий мулоҳазалари, умри давомида ҳосил этган ҳаётий хулосаларини лўнда шакл, содда ифода, тушунарли тил, равон услубда баён эта олиш юксаклигига эришган олий соддаликдир. Айтиш мумкинки, "Панднома" ҳам Атторнинг айни ижодининг балоғат босқичида умри давомида кўрган-кечирганлари, топган-йўқотганларининг хулосаси сифатида назм риштасига минг бир машаққат билан терилган оддий кўринишдаги теран мазмун ва гўзал шаклдаги тафаккур гавҳари шодаларидир.

...Таржимашунослар орасида чинакам яхши таржима муаллиф ва мутаржимнинг юлдузи бир-бирига тўғри келганда дунёга келади, деган фикр машҳур. Жамол Камолнинг Фаридуддин Аттор ижодидан ўгирган ушбу таржималари уларнинг юлдузлари қанчалик бир-бирларига тўғри келгани — Жамол Камол сиймосида Фаридуддин Аттор ўзининг чинакам таржимонини топганини кўрсатади. Бинобарин, тинибтинчимас мутаржим шоирнинг ўзи режалаштирган "Жавҳару-з-зот" ва "Уштурнома" достонларинигина эмас, балки "Хусравнома", "Муҳаббатнома", "Меърожнома", "Ҳалложнома", "Мазҳару-л-ажойиб", "Мусибатнома", "Гумгумнома", "Бесарнома", "Вуслатнома" каби достонлари, шеърий девони ва "Мухторнома" рубоийлар тўплами ҳам ўзбекчалаштириб, ўзи бошлаган ўзбек атторномасини ўзи ниҳоясига етказишини истаб қоламиз.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

"ПАНДНОМА"ДАН

ТЎРТ НАРСАНИ ТЎРТ НАРСАДАН ПОК ТУТИШ ҲАҚИДА

Кимда бўлса сидқу ниймон махзани,
Асрасин тўрт нарсадин тўрт нарсани...

Аввало тилни риёдин айла соф,
Сўнг ўзингни айлагил мўмин ҳисоб.

Ғайбату ёлғонни тарк этсин тилинг,
Йўқ десанг, ниймондин айрилгай дилинг.

Иш-амалга қўшмагил кизбу риё,
Шамъи ниймонингда нур бўлгай, зиё.

Ўтмасин асло томоғингдин ҳаром,
Марди ниймон бўл, тамиз бўл, вассалом.

Кимда бўлса бу сифат, бўлгай шариф,
Йўқса ул ниймони бўлгайдир заиф.

Улки дунёси ҳаромдин пок эмас,
Руҳига манзил аниинг афлок эмас.

Улки ишда соҳиби ихлос эмас,
Бу жаҳон ичра авомдир, хос эмас.

Улки сидқи азбаройи Ҳақ эрур,
Кору борида ривож, равнақ эрур...

БУЮКЛИКНИНГ ТЎРТ БЕЛГИСИ

Келди тўрт хислат буюкликка далил,
Кимда мавжуд эрса, ул марди асл.

Ул азиз тутгай илмни беҳисоб,
Халққа андин манфаат келгай, савоб.

Эйки, изларсен жаҳонда васли дўст,
Сенга душмандин ҳазар этмак дуруст.

Кимда бўлса донишу ақли тамиз,
Илм ила илм аҳлини тутгай азиз.

Эй биродар, истар эрсанг эҳтиром,
Халққа ширин сўзлагил, ширин калом.

Бадқовоқ, сўзи заҳарга қайда бахт?
Дўстлари ҳам юз ўгиргай оқибат.

Кимки этмас эрса душмандин ҳазар,
Бошига келгай басе ранжу зарар.

Ёру дўстлар бирла шод, масрур бўл,
Ўзни душмандин йироқ тут, эй ўғил.

Йўлга чиқмоғингга тадбир айлагил,
Хотиринг жамлаб, тафаккур айлагил...

ТЎРТ НАРСА — БАХТИЁРЛИК НИШОНАСИ

Тўртта нарса бахтиёрликдин нишон,
Кимда бўлса, ул азиздир, жонажон.

Асли поклар бахтиёрдир, некбахт,
Ноаслга ҳеч равомас тожу тахт.

Бахтиёрларнинг иши хайру савоб,
Ноасллар қилмиши ранжу азоб.

Улки мункири азоби Ҳақ эрур,
Мўмин эрмас, кофири мутлақ эрур.

Умри дунё неча кундир, кўп эмас,
Ғофил улдирки, бу гапни ўйламас.

Учма дунё зийнатига, қўй ани,
Тинглагил соҳиб кўнгиллар пандини.

Тутма ул савдойи нафсонийни дўст,
Тут ўзингга оламн фонийни дўст.

Тарк этиб руҳи равоннинг танни то,
Устухонинг ётгай ул тупроқ аро.

Жон берарсен Ҳаққа, ўзга чора йўқ,
Сенга нафсингдек ғаним, маккора йўқ...

Планетарий мўъжизалари

Орзу-умидлар маскани

Пойтахтимиздаги Планетарийнинг аслида қанақа муассаса эканини кўпчилик билмаса керак. У билан яқиндан танишгач, Планетарий эртакларда тасвирланган "коинот мамлакати"нинг ўзгинаси экан, деган фикрга бордим. Девордаги суратлар кишини маҳлиё этадиган даражада мўъжизавий.

— Кеча қўнғироқ қилган сизмидингиз? — деди ҳайратланиб турганимни кўрган нотаниш аёл. Кейин билсам, у услубчи Дилором Содиқова экан. Унинг таклифи билан бу даргоҳнинг сирли оламига саёҳат бошланди.

Планетарий лотинча "planeta" сўзидан олинган бўлиб, сайёра маъносини билдиради. Аслида эса, планетарий махсус аппарат бўлиб, у астрономик ҳодисалар, сунъий йўлдошларнинг ҳаракати, қуёш билан ой тутилиши ва бошқа коинот ҳодисаларини махсус экранда жонлантиради.

Биринчи оптик планетарий аппарати 1924 йилда Германиянинг "Карл Цейс" фирмаси томонидан яратилган. Орадан бир йил ўтиб, айни шу мамлакатда, аниқроғи, Мюньхен шаҳрида дастлабки планетарий қурилган. Ҳозирги кунда замонавий планетарий аппаратлари Spitz (АҚШ), GOTO (Япония), Zeiss (Германия) каби номлар остида ишлаб чиқарилмоқда.

"Музейимиз 2 қаватдан иборат. Унинг пастки қисмида кўргазмали расмлар, махсус хоналар жойлашган. Иккинчи қаватда эса..."

Дилором опа бизни юқори қаватга бошлади. Ичкари қоронғу экан. Чироқ ёқилгач, кўрган манзарамиз чиндан ҳам ҳайратланарли эди. Хонанинг шифти гумбазсимон шаклда бўлиб, ўртага планетарий аппарати жойлаштирилган. Хона деворларига сайёралар, қуёш, ой, комета, метеорит ва астероидларнинг тасвири туширилган. Ўзингизни худди очиқ коинотда сайр этаётгандек ҳис этасиз.

— Йигирма нафар ходим ҳар куни талабаларга, коллеж, лицей, мактаб ўқувчилари ва қизиқиб бу ерга келувчиларга хизмат кўрсатади, — дейди муассаса раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдурасул Абдуллаев. — Яқин орада бу ерга замонавий проектор, 3D технологияси олиб келинади.

Марказий Осиёда ягона бўлган мазкур даргоҳ 1963 йил ташкил этилган бўлсада, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳозирги Абдулла Қодирий номли маданият ва истироҳат боғининг янги биносида қайта ишга туширилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Астрономия институти, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ва бошқа турли жамоат ташкилотлари билан доимий ҳамкорликда бу ерда турли тадбирлар, соҳага оид учрашувлар ўтказилади.

Тарихдан маълумки Аҳмад ал Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи каби боболаримиз ҳам коинот илмининг асосчиларидан ҳисобланади. Мирзо Улуғбекнинг кузатишлари натижасида дунёга келган "Зижи Кўрагоний" асарида 1018 та юлдузнинг эллиптик тизимдаги жадвали келтириб ўтилган ва бу жадвал юлдузлар сони, кузатишларнинг бехатолиги жиҳатидан дунё астрономия тарихида Гиппарх — Птолемей жадвалидан кейин иккинчи ўринда туради.

Азалдан инсонлар само ва коинот сирларига қизиқиб келишган. Асрлар давомида қуёш, ой, сайёралар ва бошқа осмон жисмларини ўрганиб, улар устида илмий ишлар олиб боришган. Бугунги кунда ҳам ёшлар орасида астрономия ва космонавтика соҳаларига бўлган қизиқиш сўнгани йўқ. Пойтахтимиздаги Планетарий эса ушбу соҳаларга қизиқувчи ёшлар учун самога йўл очувчи орзу умидлар маскани сифатида хизмат қилмоқда.

Давронбек ОРИПОВ,
"Hurriyat" мухбири

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси "Гулхан" журнали бош муҳаррири, республикада хизмат кўрсатган журналист Ашурали Жўраевга укаси
АБДУСАХАТнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
hurriyat@doda.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Назира АБДУАЗИЗОВА
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:
Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фозил ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 23 35

Адади: 13205 Буюртма — Г-255 1 2 3 5